

## ЕХХТ билан кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 21 май куни мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти бош қотиби Феридун Синирлиўлуни қабул қилди.



Учрашувда ЕХХТ билан иқтисодий-экологик, сиёсий ва гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Очиқ ва конструктив мулоқот юксак даражага чиққани, Ўзбекистоннинг ЕХХТ ва унинг тизимдаги институтлар билан ҳамкорлиги изчил мустақамланиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди. Ташкилот раҳбарияти Ўзбекистонга таширларни мунтазам амалга оширишда, ЕХХТ ДИИХБ миссиялари мамлакатимизда сайлов жараёналарини мониторинг қилишида фаол иштирок этмоқда.

Трансмиллий таҳдидларга қарши курашиш, суд-ҳуқуқ тизimini ислоҳ қилиш, гендер тенгликни илгари суриш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш соҳаларида амалга оширилаётган қўшма лойиҳаларнинг натижалари алоҳида қайд этилди.

Томонлар кибержўноятчиликка қарши курашиш, рақамлаштириш ва сунъий интеллектни ривожлантириш, кадрлар малакасини ошириш, ёшларни қўллаб-қувватлаш ҳамда “яшил” кун тартибини илгари суриш каби устувор йўналишларда ҳам ҳамкорликни янада кенгайтириш зарурлигини таъкидладилар.

Ҳамкорлик бўйича янги “йўл харитаси”ни тайёрлаб, Ўзбекистонда ва ЕХХТ доирасида бир қатор қўшма тадбирларни ўтказиш бўйича келишувга эришилди.

Минтақавий ва халқро кун тартибининг долзарб масалалари юзасидан ҳам фикр алмашилди.

ЎЗА

## Қурбон ҳайити муносабати билан эҳтиёжманд аҳолини қўллаб-қувватлаш чоралари кўриб чиқилди

Президент Шавкат Мирзиёев Қурбон ҳайити муносабати билан эҳтиёжманд аҳолини ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш юзасидан таклифлар тақдимоти билан танишди.

Мамлакатимизда инсон қадрини улуғлаш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, жамиятда меҳр-оқибат, саховат ва ҳамжихатлик муҳитини мустаҳкамлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Бу тамойиллар, айниқса, халқимизга хос эзгу фазилатларни мужассам этган муборак Қурбон ҳайити кунларида янада ёрқин намоён бўлади.

Тақдиротда Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодий ва молия вазирлиги, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ҳамда “Вақф” хайрия жамоат фонди томонидан ишлаб чиқилган таклифлар ҳақида ахборот берилди.

Уларга кўра, Қурбон ҳайити муносабати билан кенг қўллаб-қувватлаш чоралари амалга ошириш назарда тутилмоқда.

Жумладан, оғир ва ногиронликни келтириб чиқарувчи касалликларга чалинган беморларни тиббий текширувдан ўтказиш, 2,3 минг нафар онкологик, гематологик ва онкогематологик ташхиси қўйилган беморларни тиббий текширувдан ўтказиш, даволаш ва жарроҳлик амалиётлари, шунингдек, камида 350 нафар беморда жигар ва буйрак трансплантацияси амалиётларини ўтказиш харажатларини қоплаш кўзда тутилган.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларни қўллаб-қувватлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилади. 8 минг нафардан зиёд етим ва

ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ҳамда Ватан сарҳадларини ҳимоя қилиш йўлида қурбон бўлган ота-оналар фарзандларининг омонат ҳисобварақларига 200 доллар миқдорда пул маблағлари ўтказиб берилди.

Бундан ташқари, 500 та масжидда аҳоли учун қулай шароитлар яратиш мақсадида замонавий таҳоратхоналар қуриш, реконструкция қилиш ёки таъмирлаш, шунингдек, жойлардаги қабристонларни обод қилиш ишлари амалга оширилади.

Давлат таъминотидаги оилалар, ўзгалар парваршига муҳтож бўлган ёлғиз яшовчи ҳамда ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар озиқ-овқат тўғламлари билан таъминланади.

Мазкур чора-тадбирлар “Вақф” хайрия жамоат фондида ажратилган 690 миллиард сўм маблағ ҳисобидан молиялаштирилади.

Шунингдек, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли тоифалари учун эҳсон дастурхонлари ёзиш, зиёратгоҳлар ва диний таълим ташкилотларида қурбонлик тадбирларини ўтказиш режалаштирилган.

Президентимиз эҳтиёжманд аҳолини қўллаб-қувватлаш, беморларни даволаш ва болаларга кўмак кўрсатиш билан боғлиқ тадбирлар шифоф ҳамда манзилли ташкил этилиши зарурлигини таъкидлади ва мутаасаддиларга тегишли топшириқлар берди.

ЎЗА

## Ўзбекистонлик ҳожилар халқимизни дуо қилмоқда

Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий шайх Нуриддин Холиқназар билан телефон орқали мулоқот қилди.

Сўхбат муборак Қурбон ҳайити арафасида, юртдошларимиз Ҳаж амалларини адо этаётган кутлуг бунларда бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари муфтий ҳазратлари орқали муқаддас Макка шаҳрида бўлиб турган барча ҳожиларимизни Қурбон ҳайити билан самимий табриклаб, уларнинг элу юртимиз тинчлиги, халқимиз фаровонлиги, ёшларимизнинг бахту саодати йўлида қилаётган эзгу дуо ва илтижолари қабул бўлишини тилади.

Таъкидланганидек, кейинги йилларда Янги Ўзбекистонда ҳар йили 15 минг нафардан зиёд ватандошимиз муборак Ҳаж сафарига бормоқда. Бу йил яна бир хайрли ташаббус амалга оширилиб, Ватан ва халқ манфаати йўлида сидқидилдан хизмат қилган меҳнат фахрийлари, уларнинг оила аъзолари, маҳалла фаоллари, нурунийлар ҳамда кам таъминланган оилалар вакиллари билан 100 нафар юртдошимиз илк бор давлат ҳисобидан Ҳаж сафарига юборилди.

Президентимиз зиёратчиларимизнинг саломатлиги ва кайфияти ҳақида сўради, ибодатларни бажариши учун ташкилий ишларнинг бориши билан қизиқди.

Муфтий шайх Нуриддин Холиқназар Макка ва Мадина шаҳарларида зиёратчиларимиз учун барча зарур шарт-шароитлар яратилаётгани, ташкилий ишлар уюшқоқлик билан ўтаётганини таъкидлади. Бундан қалбида шукроналик ҳисси жўшган юртдошларимиз муқаддас жойларда туриб, Яратқандан мамлакатимиз тинчлиги, халқимиз фаровонлигини сўраб дуолар қилаётганини қайд этди.

Сўхбатда мамлакатимизда диний-маърифий соҳада амалга оширилаётган кенг қўллаб-қувватлаш чоралари, маънавияти ва маърифати катта ижобий таъсир кўрсатаётгани айтиб ўтилди. Имом Бухорий мажмуаси, Ислам цивилизацияси маркази, “Бурҳониддин Марғиноний” илмий-маърифий ва туризм мажмуаси каби ақинда фойдаланишга топширилган масканлар улуг аждодларимизнинг бебаҳо меросини кенг тарғиб этишга хизмат қилаётгани таъкидланди.

Куни кеча Қурбон ҳайитини юртимизда ўзгача файз ва шукӯҳ билан нишонлаш бўйича Президент қарори қабул қилинди. Муборак айёмни нишонлаш билан боғлиқ хайру саховат ва мурувват тадбирлари ҳам амалга оширилади. Жумладан, эҳтиёжманд аҳоли қатламларини қўллаб-қувватлаш, 10 мингдан ортиқ болаларга мураккаб жарроҳлик амалиётларини ўтказиш, 2 мингга яқин оғир касалликка чалинган юртдошларимизни даволаш учун қўшима маблағлар ажратилиши, Масжид ва қабристонларни обод қилишга ҳам алоҳида ресурслар йўналтирилиши кўзда тутилган.

Давлатимиз раҳбари ҳаётда кўпни кўрган, дуотўй ҳожиларимиз юртга қайтган, ислом маърифати ва соғлом эътиқодни халқимизга, айниқса, ёшларимизга теран етказишда, маҳаллаларда меҳр-оқибат, ҳамжихатлик ва маънавий муҳитни мустаҳкамлашда намуна бўлишларига ишонч билдирди.

Сўхбат ақинда Президентимиз барча ҳожиларимизга салом йўллаб, уларнинг савобли амаллари қабул бўлишини, юртимизга соғ-омон қайтишларини тилади.

ЎЗА

## Ҳайит — катта байрам, ҳар қадамда шодиёна



2

## Буюк миллий ўзанга қайтиш

Ёшараётган илмий муҳитга янги куч ва фикр, ўзгача нафас кириб келмоқда

Ўзбекистон Фанлар академияси президенти, Ўзбекистон Қаҳрамони, академик Шавкат АЮПОВ билан “Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари бош муҳаррири Салим ДОНИЁРОВ сўхбати



— Кейинги йилларда юртимизда илм-фанга, олимларимиз тадқиқотларига жуда катта эътибор қаратилаётган. Илмий салоҳиятни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, янги авлод тадқиқотчиларини рағбатлантириш борасида кенг қўллаб-қувватлаш чоралари амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, халқ ибораси билан айтганда, фанимиз “ёшариб”, унинг сафига янги куч, янги фикр ва янги нафас кириб келмоқда. Сўхбатимизни айнан шу йўналишдаги ўзгаришлар таҳлиладан бошлаш.

— Дарҳақиқат, сўнгги ўн йилда олимлар ҳаётида, умуман, миллий илм-фанимиз тақдирда чўқур ва тизимли ўзгаришлар юз берди. Жамият тараққиёти илмга муносабат билан чамбарчас боғлиқ. Агар илм эъзозланса, тараққиёт мустаҳкам бўлади, агар эътибор сусайса, ривожланиш суръати секинлашади.

Тахминан 2000-йилларга келиб, Фанлар академиясига ва умумий илм-фан соҳасига эътибор муайян маънода сусайганини кўраман. Мазкур жараённинг энг асосий кўрсаткичларидан бири молиялаштириш тизимидаги ўзгаришлар эди. 2000 йилга қадар Фанлар академиясига қарашли институтлар ва олимлар тўғрисида тўғри давлат бюджетни ҳисобидан таъминланарди.

Бироқ кейинчалик янги тизим жорий қилиниб, молиялаштириш лойиҳалар асосига ўтказилди. Яъни илмий жамоа инновация грантларини ютиб оласгина, молиявий таъминотга эга бўларди. Бу, бир қарашда, рақобат муҳитини яратишга хизмат қилгандай туюлса-да, амалда қатор мураккаб муаммоларни ҳам келтириб чиқарди.

Масалан, бир институтда ўнга яқин лаборатория ва шунча илмий мактаб мавжуд бўлса,

уларнинг тақдирини лойиҳа ютиш ёки ютмасликка боғлиқ бўлиб қолди. Лойиҳа ютиб олганлар молиялаштирилди, юта олмаганлар эса қийин аҳволга тушди.

Натижада қўллаб-қувватлаш маъносидан қисқартирилган бошланди. Чунки лойиҳа танловларида муайян даражада субъектив омиллар мавжуд эди. Кимдир ташаббускорлик ва ташкилотчилик қобилияти билан кўпроқ грант юта олди, кимдир эса соф илм билан шугулланиб, бу жараёнда четда қолиб кетди. Шулар таъсирида айрим институтлар сезиларли даражада қисқарди. Илмий ҳодимлар сонини ҳам кескин камайдди: агар аввал Фанлар академияси тизимида 4-5 минг атрофида тадқиқотчи фаолият юритган бўлса, бу рақам кейинчалик қарийб икки баробар камайд.

Қисқартиришдан эса табиий равишда аввал ёшлар жабр кўрди. Чунки катта илмий

даражага эга мутахассислар сақлаб қолинар, илмий йўлини энди бошлаган ёшлар эса тизимдан четлаштирилларди. Бу фаннинг “қариши”га, яъни ёшлар улushi кескин камайишига олиб келди. Вақт ўтиши билан Фанлар академияси кўпроқ ёш улуг олимлар жамланган муассасага айланиб қолди.

Агар 1995 йилда академия аъзолигига сайлов бўлиб ўтган бўлса, кейинги сайлов фақат 2017 йилга келибгина ўтказилди. Яъни қарийб йигирма икки йил давомида жараён тўхтаб қолди.

— Узоқ йиллар давомида академиклар сайловлари ўтказилмагани, улар сони қисқариб боргани илмий салоҳиятнинг юзага чиқишига қандай таъсир кўрсатди?

— Албатта, илм-фан тараққиётида ёшларнинг ўрни беқис. Чунки инсон ёши улгайган сари таъриба орттиради, аммо ҳар қим ҳам етмиш ёшдан кейин фалол илмий изланиш қилиши осон эмас. Катта авлод вакиллари раҳбарлик қилиши, йўл-йўриқ кўрсатиши, илмий мактаб яратиши мумкин, лекин янги гоя ва қарашлар қўлинича ёшлар қалбида пайдо бўлади.

Шу боис, ҳар қандай илмий муҳитда авлодлар уйғунлиги зарур. Илмий раҳбарим, академик Саримсоқов бундай деган эди: “Агар илмий жамоада фақат қариялар бўлса, бу — трагедия, фақат ёшлар бўлса, бу — комедия, агар барча авлод вакиллари жам бўлса, бу симфониядир”. Бу жуда чуқур философия фикр. Чунки илм бир вақтнинг ўзида таъриба ва шижоат, сабр ва изланиш, анъана ва ангилки уйғунлигидир.

Муносабат



# ҲАЙИТ – КАТТА БАЙРАМ, ҲАР ҚАДАМДА ШОДИЁНА

Жорий йил 20 май кунини қабул қилинган қарорга биноан, бу йилги Қурбон ҳайити "Инсон қадрини унун, инсон бахти учун" деган эзгу ғояни чуқур қарор топтиришда, меҳр-мурувват, хайру саховат ишлари ана ҳам кенг қўлам касб этишида муҳим ҳуқуқий асос бўлади.

Муборак Қурбон ҳайитини ҳар йилгидан кўра ўзгача, кўтаринки нишонланамиз. Чунки бу йил юртимизда турли соҳаларда фидойилик кўрсатиб меҳнат қилган ва қилаётган 100 нафар юрtdошимиз "Президент ҳожиси" сифатида исломнинг бешинчи рунини мукаммал адо этипти. Бундай эзгу иш тарих саҳифаларига зарҳал харфлар билан битилди.



Абдуқаҳҳор домла ЮНУСОВ, Тошкент шаҳри бош имом-хатиби

Қурбон ҳайити бутун ислом уммати учун жуда катта байрам. Аллоҳ таоло бу кунда бизни ҳайит намозини ўқишга, қурби етган кишиларни эса қурбонлик қилишга буюрган. Қурбонлик қилиш хур, балоғат ёшига етган, оқил, муқим, яъни сафарда бўлмаган ва закот нисобига эга мусулмон шахсга вожиб бўлади. Қурбонлик қилишнинг вақти ҳайит кунини тонг отиши билан киради ва ҳайитнинг учинчи кунини қуёш ботиши билан тугайди.

Қурбонлик қилишнинг вақти ҳайит кунини тонг отиши билан киради ва ҳайитнинг учинчи кунини қуёш ботиши билан тугайди. Қурбонлик ҳайит намози ўқиб бўлингач қилинади.

Қурбонлик қилишнинг вақти ҳайит кунини тонг отиши билан киради ва ҳайитнинг учинчи кунини қуёш ботиши билан тугайди. Қурбонлик ҳайит намози ўқиб бўлингач қилинади.

**“Фақиҳларимиз қурбонликнинг истилоҳий маъносини таърифлаб, “Қурбонлик бу — махсус ҳайвонни махсус вақтда сўйишдир”, деганлар. Қурбонлик шариятта иккинчи ҳижрий санада киритилган. Ҳанафий мазҳаби бўйича қурбонлик қилиш вожибдир. Қурбонлик қилиш хур, балоғат ёшига етган, оқил, муқим, яъни сафарда бўлмаган ва закот нисобига эга мусулмон шахсга вожиб бўлади. Қурбонлик қилишнинг вақти ҳайит кунини тонг отиши билан киради ва ҳайитнинг учинчи кунини қуёш ботиши билан тугайди. Қурбонлик ҳайит намози ўқиб бўлингач қилинади.**

**АГРОСАНОАТ — ИНВЕСТИЦИЯ, ИННОВАЦИЯ ВА ЭКСПОРТ УЙҒУНЛИГИ**

## Ислохотлар самараси

Мамлакатимизда қишлоқ ҳўжалигини модернизация қилиб, экспорт имкониятини кенгайтиришга алоҳида эътибор берилляпти. Бу, ўз ўрнида, аҳоли даромади ошиб, иқтисодий барқарорликни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Хусусан, Сурхондарё вилоятида янги агросаноат модели шаклланиб бормоқда.

Бундай янгиланишлар жараёни эса халқаро ҳамкорларнинг ҳам қизиқишини кучайтирмоқда. Масалан, Япониянинг етакчи компаниялари вакилларидан иборат делегация вилоятнинг соҳадаги натижалари билан танишди. Мақсад ҳамкорликни йўлга қўйиш ва ҳар икки томон учун фойдали келишувга эришишдир. Сурхондарё вилоятида эса халқаро стандартларга жавоб берадиган лойиҳалар йил сайин кўпайиб бормоқда.

Бундай янгиланишлар жараёни эса халқаро ҳамкорларнинг ҳам қизиқишини кучайтирмоқда. Масалан, Япониянинг етакчи компаниялари вакилларидан иборат делегация вилоятнинг соҳадаги натижалари билан танишди. Мақсад ҳамкорликни йўлга қўйиш ва ҳар икки томон учун фойдали келишувга эришишдир. Сурхондарё вилоятида эса халқаро стандартларга жавоб берадиган лойиҳалар йил сайин кўпайиб бормоқда.

Жоҳилият даврида Макка мушрикларини қурбонлик қилиб, гўштини Каъба атрофида осиб, деворларига қонини суртган ва бу билан Аллоҳга яқин бўламан деб ўйлар эдилар. Ислмо келиб, кўпалаб инсонлар ҳидоят нуридан баҳраманд бўлганларидан кейин Аллоҳ таоло қурбонликдан кўзланган асосий мақсад нима эканига мусулмонларнинг эътиборини қаратиб, қуйидаги оятни қаримасини нозил қилди: “Аллоҳга (қурбонлик) гўштлири ҳам, қонлари ҳам етиб бормас. Лекин у Зотга сизлардан тақво етар. Аллоҳ сизларни ҳидоят қилгани сабабли — У зотни улуғлашларингиз учун — уларни сизларга бўйсундириб қўйди. Эзгу иш қилувчиларга хушхабар беринг!” (Аҳз сура-си, 37-оят).

Қурбонлик қилишдан мақсад банданинг Аллоҳ таоло амрига бўйсунуши ва тақвосини намоеън этишидир. Демак, қурбонлик қилувчи шахс нияти тўғри, амалини холис Аллоҳ таоло учун қилган бўлиши лозим. Қолаверса, бу амалини бажаришда Аллоҳ таолонинг буюклиги ва динининг улуғлиги зоҳир бўлади.

Хусайн ибн Али розияллоху анҳудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам: “**Ким қурбонлигини чин кўнглидан ва савоб умидида қилса, у (қурбонлик) унинг учун дўзахдан парда бўлади**”, дедилар (Имом Табароний ривояти).

Бошқа бир ҳадисда: “**Одам боласи қурбонлик кунини қиладиган амалларининг ичидан қон чиқаришидан кўра Аллоҳ таолога маҳбуброқ амал шў, Қурбонликга сўйилган экинчи қўнгат кунини ўз шохини, тўғини ва юнларини билан келади. Қурбонлик қонини ерга тушмай туриб, Аллоҳ таолонинг хузурда қабул бўлади. Шунинг учун мамнуният ила қурбонлик қилинлар**”, дейилган (Имом Ибн Можа ва Имом Термизий ривояти).

Қурбон ҳайити — катта байрам. Бу кунни яқинларимизни йўқлаб, уларнинг ҳолидан хабар олиш, ёши улуғларни зиёрат қилиш, муҳтожларга меҳр-мурувват кўрсатиш, оилаларга хурсандчилик улаштириш ва умуман, байрамнинг кўрқига кўрқ қўшадиган солиҳ амаллар билан ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Аксинча, байрамни азага, мусибатга, маҳзунликка айлантирмалик зарур.

Пайгамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам бу кунда янада меҳрибонроқ, шафқатлироқ бўлар, етим-есирларнинг бошини силлар, қариялар, касалмандлар, кам таъминланган кишилардан хабар олар, уларнинг кўнглиларига ҳам байрам шуқуҳини олиб кирадилар.

Биз ҳам ҳар бир қўнғилга байрам шуқуҳини олиб кирайлик.

Қурбон ҳайитинингиз кутлуғ бўлсин!

# ТЕЗКОР, АНИҚ ВА ОРТИҚЧА ҚОҒОЗБОЗЛИКДАН ХОЛИ ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ

## Бугуннинг гапи

Давлат хизматларини изчил ривожлантириш шунчаки маъмурий ислохот ёки электрон хизмат кўрсатиш тизими эмас. Бу, аввало, мамлакатнинг имижини, инсонлар билан мулоқот қилиш салоҳиятининг муҳим кўрсаткичларидан ҳисобланади. Зеро, бугунги замонвий дунёда давлат хизматларининг сифати том маънода одамларнинг кундалик турмуш фаровонлигига таъсир этмоқда.

Қачонки, давлат хизматлари тезкор, аниқ ва ортиқча қоғозбозликдан холи бўлса, инсоннинг энг қимматли бойлиги — вақти тежаллади. Узундан узоқ навбатларда соатлаб туриш, турли маълумотномалар йиғиш ёки биргина юмуш учун қайта-қайта турли идораларга қатнашга ҳожат қолмайди. Бизнесини рўйхатдан ўтказиш, ҳужжат расмийлаштириш, тиббий ёки ижтимоий хизматлардан фойдаланиш жараёнида ортиқча овозгарчиликдан халос бўлади. Бу эса давлат ва жамият ўртасидаги муносабатларнинг тўб бурилиш нуқтасидир.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда мазкур йўналиш ривожига алоҳида эътибор қаратилмоқда. “Инсон қадрини унун” эзгу ғояси асосида юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар бунинг яққол исботи. Бу ўзгаришлар давлат бошқарувининг мутлақо янги даври бошланганини англатади.

Эндиликда диққат марказида муайян бир идора ёки шахслар эмас, балки аҳоли ва унинг манфаатлари турибди. Бундан ўн йил аввалги ҳолатни эсласак, бугунги ўзгаришлар нақадар улкан аҳамиятга эга эканини англаймиз. Оддий бир маълумотномани олишининг ўзи ҳам кўпгина одамни ҳолдан тойдирарди.

Бу эса сансалорлик, шаффофлик етишмаслиги ва коррупция ҳолатлари учун қулай муҳит яратётганди. Аҳоли мураббақ маъмурий тизимдан безган эди. Аллақачон вазиятни тубдан ўзгартириш вақти келганди.

Шу боис, Президентимиз ташаббуси билан 2017 йилдан бу йўналишда тизимли ва изчил ислохотлар бошланди. Давлат хизматлари марказлари, Ягона интерактив давлат хизматлари портали ҳамда рақамли ҳўкumat тизими ташкил этилиши хизматларнинг янада очиқ, тезкор ва шаффофлигини таъминлади.

**“Фуқаролар эмас, ҳужжатлар ҳаракатланади” тамойили ушбу ислохотлар асосини ташкил этди. Давлат идоралари зарур маълумотларни ўзаро мустақил алмашиш тизимини йўлга қўйди ва натижада одамларнинг идораларда сарсон бўлиши, турли ҳўжжатлар йиғишига эҳтиёж қолмади.**

Шунингдек, электрон хизматлар жорий этилди, жараёнлар рақамлаштирилди. Хизмат кўрсатиш мuddатлари улушини 90 фоиздан ошириш кўзда тутилган.

Маъмурий тартиб-таомиллар соддалаштирилди. “Ягона дарча” тамойили асосида кўрсатиладиган хизматлар қатори кенгайтирилди. Натижада тизим янада шаффоф, тезкор ва инсон манфаатларига хизмат қиладиган шаклга келтирилди.

Яна бир муҳим жиҳат. Давлат хизматлари ривожини адолатга ишонч ортишига ҳам бевоқиф таъсир кўрсатади. Зеро, инсон омили қанча кам бўлса, коррупция, субъектив қарорлар ва маъмурий тўсиқлар хавфи шунча камаяди. Рақамлаштириш жараёнининг очиқ, ошқора бўлишини таъминлайди. Ҳамма учун бир хил қондалар амал қила бошлайди. Бу эса ишонч масаласидир. Одамлар содда, тушунарли ва барқарор механизмларга ишонади.

Бу масаланинг яна бир муҳим жиҳатини алоҳида қайд этиб ўтиш жоиз. Замонавий давлат хизматлари нафақат қулайлик, балки ижтимоий ҳўмо воситаси ҳамдир. Кекса авлод учун пенсия ва тиббий хизматлардан фойдаланиш имконияти, ёшлар учун таълим, грантлар ва ҳўжжатларни тезкор расмийлаштириш, тадбиркорлар учун эса ортиқча харажатларни камайтириш ҳамда иқтисодий фойдалини ошириш демакдир. Яъни самарали хизматлар тизими тенг ва кенг имкониятлар муҳитини яратди. Ижтимоий ривожланиш ислохотларининг энг муҳим жиҳати. Ҳар қандай рақамли трансформация жараёнини тарқоқ ҳолда амалга оширилса, ўз аҳамиятини йўқотмайди.

Битта қулай портал яратиш ёки айрим хизматларининг онлайн шаклга ўтказишининг ўзи кифоя эмас. Одамлар тизимга яхлит ҳолда баҳо беради. Агар хизматлардан бири беш дақиқада амалга ошса, бошқаси эса ҳафталаб вақт ва қоғозбозликни талаб қилса, ишонч қозониш учун қилинган меҳнат беҳуда кетади. Шу сабаб давлат учун нафақат технологияларни жорий этиш, балки инсон манфаатларига қаратилган содда ва барқарор хизмат кўрсатиш тизимини шакллантириш ҳам жуда муҳимдир.

Мамлакатимизда ушбу соҳани трансформация қилишга алоҳида уруғ берилмоқда. Хусусан, ўтган йил ноябрь ойида Ўзбекистонини 2030 йилга қадар “ортиқча бюрократиядан холи ҳудуд”га айлантириш мақсадида Бирлашган Араб Амирликлари билан ҳамкорликда “Бюрократияни бартаф этиш — 2030” дастури бошланган. Шунинг ўзи ҳам бу йўналишга нақадар катта аҳамият қаратилаётганини далолат беради.

Айни мақсадда Стратегик ривожланиш ва ислохотлар агентлиги хузурда алоҳида лойиҳа офиси ташкил этилган. Дастур доирасида давлат органлари функцияларини 30 физик қисқартириш, бизнесга қўйилмаган талабларни 20 фоизгача мақбуллаштириш, электрон давлат хизматлари улушини 90 фоиздан ошириш кўзда тутилган.

Давлатимиз раҳбарига жорий йил 12 май кунини давлат хизматларини кўрсатиш соҳасида бюрократияни қисқартириш чора-тадбирлари юзасидан қилинган тақдирда бу борадаги ишлар ана бир бор таҳлил этилди.

— Сўнгги йилларда мамлакатимизда давлат хизматларини аҳоли ва тадбиркорлар учун қулай, тезкор ва шаффоф қилиш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилди. — дейди адлия вазири Акбар Тошқулов. — Давлат хизматлари қўлами 10 баробар кўпайиб, 61 миллиондан ошди. Уларнинг 80 фоизи онлайн шаклда кўрсатишмоқда. Биргина 2025 йилнинг ўзида тадбиркорликка оид 2 мингдан ортиқ мажбурий талаб бекор қилинди. Шу билан бирга, соҳада ортиқча тартиб-таомиллар, қоғозбозлик ва тақоррланувчи талаблар хали ҳам сақланиб қолмоқда.

Тақдиротда давлат хизматларини “сервис давлат” модели асосида тубдан тақомиллаштириш бўйича тақлифлар кўриб чиқилди. Бунда асосий эътибор давлат хизматини бирорган ортиқча ҳўжжат талаб қилмасдан, тез, шаффоф ва қулай кўрсатишга қаратилади. Хусусан, 783 та давлат хизматига “ноль бюрократия” тамойилини жорий этиш тақлиф қилинди. Бу орқали 550 турдаги давлат хизмати электрон шаклга ўтказилиб, хизмат кўрсатиш босқичлари 2 қарра қисқаради. 80 турдаги хизмат проактив ва композит шаклга ўтказилади. Натижада аҳолининг ҳар йили турли идораларга келиш учун сарфланадиган 35 миллиард сўмгача транспорт харажати тежаллади. Яна 80 турдаги хизматни кўрсатиш мuddати 2-3 қарра қисқартирилиб, ўртача мuddат 13 кундан 6 кунга туширилди.

**Умумий ҳисобда бюрократияни қисқартириш чоралари 2026-2030 йилларда иқтисодийни кўшимча 13 миллиард долларга ўстириш имконини беради.**

Тақдиротда reestr.gov.uz ягона платформаси орқали давлат функциялари, мажбурий талаблар ва давлат хизматлари реестрларини юритиш, идоралар фаолиятини “Viteaustasy radar” асосида баҳолаш, сўнйини интеллект орқали таҳлил қилиш ва “Бизнес калкулятор” орқали тадбиркорлар харажатини ҳисоблаш тизимини жорий этиш тақлиф қилинди.

Бугунги глобаллашув жараёнида мамлакатлар ўртасидаги рақобат фақат инвестиция ёки ресурслар борасида эмас, балки одамларнинг турмуш фаровонлигини ошириш йўналишида ҳам кечмоқда. Давлат хизматлари эса рақобатбардорликнинг муҳим омилига айланяпти. Инсоннинг яхши яшаш, меҳнат қилиши, бизнес юритиши ва давлат органлари билан муноқоти учун қулай шароит яратилган мамлакатда кучли иқтисодийёт, барқарор хизмат шаклланади.

Давлат хизматларини ривожлантиришнинг энг катта натижаси аҳолининг давлат идораларига муносабати ижобий томонга ўзгарганидир. Давлат хизмат кўрсатиш вазиносини тўлақонли равишда бажарар экан, инсонлар ўзини шу жамиятнинг тенг ҳўқуқли аъзоси сифатида ҳис эта бошлайди. Ислохотларнинг стратегик аҳамияти ҳам айнан шунда.

Лутфулла СУВОНОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири



Маҳалласидаги 6,9 гектар ерда худди шундай замонвий иссиқхоналар мажмуаси барпо этилмоқда. Умумий қиймати 7 миллиард сўмлик мазкур инвестиция лойиҳаси доирасида

иссиқхоналарга 14 минг туп банан кўчати экилади. Айни пайтда худудда 30 дан зиёд лот шакллантирилиб, уларнинг 30 фоиздан ортиғига банан ва папайя кўчатлари экилди.

Мутахассислар ҳисоб-китобига кўра, ҳар бир гектар иссиқхонага ўртача 2000 туп банан кўчати жойлаштирилади. Бу бир гектардан йилга уч марта ҳосил олиш имконини бериб, ўртача 150 тонна маҳсулот етиштиришга замин ҳозирлайди. Шундан келиб чиқиб, янги ташкил этилаётган иссиқхонадан бир йилда минг тоннадан ортиқ банан ҳосили олинади.

Бугун Сурхондарё вилоятига ҳар йили тахминан 200 тонна банан маҳсулотини импорт қилинади. Маҳаллий иқлимга мослаштирилган банан нави кам меҳнат ва ўғит талаб қилиши, тогли экани боис, харидорларнинг ҳисобга олсак, лойиҳа қанчалик аҳамиятли экани ойдинлашади.

Муҳими, лойиҳа тўғрисида 150 та доимий янги иш ўрни очилди. Давлат бюджетига 2,3 миллиард сўм кўшимча тушум тушиб, 3,5 миллион долларлик импорт маҳсулот ўрни босилади. Тумандаги “Ҳотамтой”, “Қораарик” ва “Боботон” массивлари худудига сув чиқариш орқали яна 1000 гектар янги ерни ўзлаштириш режалаштирилган.

Умуман олганда, Сурхондарё агросаноати илмий ёндашув, замонавий технологиялар билан бозор талабларига мослашиб бормоқда. Булар соҳани интеграциялашган яхлит тизимга айлантирмоқда. Мазкур янгиланишлар маҳсулот ҳажми ва сифатини бирдек ошириб, бандлик, даромаднинг ошириш ҳамда экспорт салоҳиятини юксалтириш орқали иқтисодий барқарорликка хизмат қилади.

Сарвар ТўРАЕВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

# Буюк миллий ўзанга қайтиш

## Ёшараётган илмий муҳитга янги куч ва фикр, ўзгача нафас кириб келмоқда

### Ўзбекистон Фанлар академияси президенти, Ўзбекистон Қаҳрамони, академик Шавкат АЮПОВ билан “Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари бош муҳаррири Салим ДОНИЁРОВ суҳбати

#### Бошланиши 1-бетда

2012 йилда Математика институти директори эдим. Институтимиз Фанлар академияси таркибидан чиқарилиб, Миллий университет тасарруфига ўтказилган эди. Афсуски, бу жараёнда қатор йirik илмий муассасалар — Ядро физикаси, Физика-техника каби институтлар ҳам жиддий ўзгаришларга учради.

Бу муассасалар нафақат илмий мактаб, балки ноёб техник салоҳиятга ҳам эга эди. Масалан, лазер қурилмалари, ядро реактори каби қимматбаҳо ва стратегик аҳамиятга эга ускуналар мавжуд бўлган. Афсуски, айрим жиҳозлар чет давлатларга берилди, реактор эса бошқа тизимга ўтказилди. Ваҳоланки, бу объектлар ҳар бир давлатда ҳам учрамайдиган ноёб илмий инфратузилма эди. Бир вақтлар Марказий Осиёда ягона бўлган ядро реактори айнан юртимизда жойлашгани ҳам бежиз эмасди. Бу, ўз навбатида, ўзбек физика мактабининг юксак салоҳиятидан далолат берарди.

Яна бир мисол — Паркентда барпо этилган катта қуёш печи. Бу ишоот дунёда атиги икки давлатда — Ўзбекистон ва Францияда мавжуд, илмий-технологик жиҳатдан ниҳоятда муҳим объект. Афсуски, муайян вақтларда бу каби ноёб имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмади.

2017 йилдан бошлаб давлатимиз раҳбарининг қатор қарор ва фармонлари қабул қилиниб, соҳада туб бурилиш ясалди. Илмий институтлар қайта тикланди, уларнинг мақоми ва вазифалари қайта белгиланди. Математика институти ҳам яна Фанлар академияси таркибига қайтарилиб, ўзининг тарихий номи ва мақомига эга бўлди. Бу, шубҳасиз, илм-фанга бўлган муносабатдаги туб бурилиш эди.

Албатта, инфратузилмани тиклаш биринчи қадам, энг катта муаммо эса кадрлар билан боғлиқ эди. Чунки ўтган йиллар давомида кўпгина иқтидорли олимлар чет элларга кетиб қолган, айримлари эса бошқа соҳаларга ўтиб кетганди.

— 2016 йил декабрь ойида Президентимизнинг академиклар ва олимлар билан учрашуви жамиятда катта акс садо берди. Айниқса, бу илмий жамоатчилик узок кутган воқеа бўлди. Кейинчалик кўпал муҳим ҳужжатлар, жумладан, яқинда Ўзбекистон Фанлар академияси фаолиятини такомиллаштириш бўйича қарор қабул қилинди. Мазкур ҳужжат доирасида қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Ҳа, бу ҳақиқатан ҳам ниҳоятда муҳим ва тарихий аҳамиятга эга қарор бўлди. Қарор, аввало, Фанлар академиясининг жамиятдаги ўрни ва ролини қайта белгилаб берди. Илм-фан фақат назарий изланишлар билан чекланиб қолмасдан, унга мамлакат тараққиётининг ҳаракатланувчи кучи сифатида қаради. Қарор доирасида ўнга яқин устувор йўналиш белгилаб олинди. Жумладан, замонавий био ва нанотехнологиялар, сунъий интеллект ва квант технологиялари ядровий фан ва радиацион технологиялар, рақамли табиат ва тоза сув, қайта тикланувчи энергетика, маънавий мерос каби стратегик соҳаларга алоҳида эътибор қаратилди. Бу эса илмий изланишларнинг замон талаблари билан уйғунлашувини таъминлашга хизмат қилди.

Энг муҳим янгиликлардан бири — илм-фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги узвий боғлиқлиқни кучайтиришга қаратилган механизмлар ишлаб чиқилганидир. Чунки амалиёт кўрсатдики, олимлар томонидан яратилган кўпал ихтиро ва тақлифлар sanoatgacha етиб бормади қолар, ишлаб чиқарувчилар эса ўз муаммоларига ечимни чет элдан излашга мажбур бўларди. Бу эса миллий илмий салоҳиятдан тўлиқ фойдаланилмаётганини аниқларди.

Шу боис, қарорда фан ва sanoat ўртасида кўприк вазифасини бажарадиган махсус кенгаш тузиш назарда тутилди. Ушбу кенгаш Президент Администрацияси хузурида фаолият юритиб, таркибига етакчи олимлар ва sanoat вакиллари киритилди. Энди олимлар ўз ишланмаларини бевосита ишлаб чиқарувчиларга тақдим этади, sanoat эса ўз муаммоларини очик баён қилади. Агар ўзаро манфаатли келишувга эришилса, лойиҳаларини амалга ошириш учун давлат томонидан грантлар ажратилади. Чунки ҳар қандай ихтиро амалиётга жорий этиш учун муайян вақт ва қўшимча тадқиқотлар талаб этилади. Аслида, бундай тизим илгари ҳам мавжуд эди. Собик иттифок даврида ҳар бир йirik



QR-КОД ОРҚАЛИ ВИДЕОГА ЎТИНГ!

ишлаб чиқариш тармогининг ўз илмий-тадқиқот институти бўлиб, у илм ва sanoatни боғлаб турувчи асосий бугун вазифасини бажарарди. Кейинчалик бу тизим йўқолиб кетди. Натияжада бугунги кунда олимлар sanoatда қандай муаммолар борлигини тўлиқ билмайдиган, ишлаб чиқарувчилар эса илмий ечимни қаердан топишни аниқлаб етмайди. Қарорда айнан шу масалага алоҳида ургу берилгани бежиз эмас.

Ҳужжатда яна бир муҳим кўрсаткич белгилаб қўйилди: Фанлар академияси илмий ходимларининг камида 60 фоизини ёшлар ташкил этиши лозим. Ушбу мақсадга эришиш учун академияга беш йил давомида ҳар йили қўшимча 140-150 та штат бирлиги ажратилиши белгиланди. Бу, ўз навбатида, ёш кадрларни жалб қилиш ва илмий муҳитни янгилашга хизмат қилмоқда.

юритаётган олимларнинг катта қисми хитойликлардан иборат.

Шу нуқтан назардан, биз ҳам чет элда билим олаётган ёшларимизни қўллаб-қувватлашимиз, улар билан алоқани мустаҳкамлашимиз ва миллий тараққиётга жалб этишимиз зарур. Чунки ҳақиқий бойлик табиий ресурслар эмас, балки инсон капитали, яъни билими, тафаккурли ва ташаббускор авлоддир.

— Илмий салоҳият масаласига ҳам тўхталиб ўтсангиз. Айтайлик, ўн йиллар аввал айрим тадқиқотларда Ўзбекистоннинг илмий салоҳияти анча суст бўлиб қолган эди. Бу ҳолатни қандай ислоҳлаш мумкин? Шунингдек, илмий тадқиқотларнинг ҳаётийлиги, долзарблиги ва амалий аҳамияти нуқтан назардан фундаментал ва амалий фанлар ўртасидаги мураккаб боғлиқликлар ҳақида фикр билдирсангиз.

— Бу жуда ўринли ва муҳим савол. Илм-фан табиатан икки йўналишга — фундаментал ва амалий соҳаларга ажратилади. Улар ўртасида аниқ чегара йўқ, балки бир-бирини тўлдириб борадиган, ўзаро боғлиқ тизим сифатида намоён бўлади. Фундаментал фан ҳақиқатини излаш, табиат ва коинот қонунларини аниқлашга қаратилган чуқур тафаккур махсули бўлса, амалий фан шу билимларни ҳаётга табиқ этиш воситасидир.

Кўпинча жамият тез натижа берувчи тадқиқотларга кўпроқ эътибор қаратади. Бу табиий, чунки иқтисодиёт ва sanoatга тезкор ечимлар зарур. Бироқ фундаментал фаннинг қиммати шундаки, унинг самараси дарҳол кўринмаслиги мумкин, ammo вақт ўтиши билан у бутун цивилизация тараққиётига таъсир кўрсатади.

Мен бунинг кўпинча математика мисолида тушунираман. Масалан, математикада Евклид геометрияси мавжуд. Унга кўра, бир тўғри чиққан ташқарида жойлашган нуқта орқали фақат ягона параллел (яъни берилган чизик билан кесилмайдиган) чизик ўтказиш мумкин. Аслар давомида олимлар бу қондини исботлашга уринган, ammo натижада эриша олмаган.

XIX асрда эса Николай Лобачевский мазкур қарашни қайта кўриб чиқиб, “Бу исботланадиган теорема эмас, балки аксиома бўлиши керак”, деган хулосага келди ва ноевклид геометриясини яратди. Унда бир нуқта орқали чексиз кўп параллел чизиклар ўтказиш мумкин. Кейинчалик Бернхард Риман яна бир янги геометрияни тақлиф қилди — унда эса умуман параллел чизиклар мавжуд эмас.

Бу назариялар яратилган пайтда уларнинг амалий аҳамияти тушунарсиз бўлган, ҳатто базилар томонидан “кераксиз” деб баҳоланган. Ammo вақт ўтиши билан бу гоғлар бутун фан ва технология ривожига замин яратди. Масалан, Риман геометрияси Альберт Эйнштейн томонидан яратилган нисбийлик назариясида қўлланилди. Лобачевский геометрияси эса бугунги кунда сунъий йўлдошлар орқали жойлашувни аниқлаш — GPS технологияларида муҳим аҳамият касб этади.

Мисоллардан кўриниб турибдики, фундаментал фан кўпинча ўз самарасини ўнлаб, ҳатто юзлаб йиллардан кейин беради.

Шунинг учун ҳар қандай илмий гоғини “ҳозирча фойдасиз йўқ” деб четта суриш келажак имкониятларидан воз кечиш билан баробар.

Илмий салоҳият масаласига келсак, бу фақат рақамлар билан ўлчанадиган кўрсаткич эмас. У жамиятнинг билим даражаси, илмий муҳит сифати, кадрлар тайёрлаш тизими ва инновацион фикрлаш қобилиятининг уйғунлигидир. Агар мамлакатда илмий салоҳият юқори бўлса, инвесторлар учун ҳам муҳим сигнал бўлади. Чунки ҳар қандай инвестор янги технология олиб киришдан олдин бундай савол қўяди: “Бу ердаги мутахассислар янги технологияни тушуна оладими?”. Агар жавоб ижобий бўлса, у энг замонавий ускуналарни олиб келади. Акс ҳолда, эски, самарадорлиги паст технологиялар билан чекланиши мумкин.

Шу маънода, илм-фан нафақат маънавий, балки иқтисодий куч ҳамдир. Билимни жамиятни алдаш қийин, чунки у ҳар бир қарорини таҳлил қилади, ҳар бир технологияни аниқлайди ва танлай олади. Илмий салоҳияти юқори мамлакат эса доимо рақобатбардош бўлади.

— Ёш олимлар ва умуман, соҳага кириб келаётган ёшлар ҳақида тўхталингиз. Бугунги кунда уларнинг салоҳиятини юксалтириш, илмга жалб этиш учун қандай имкониятлар мавжуд?

— Бу жуда долзарб савол. Чунки ҳақиқат шундаки, фан ёшларсиз ривожлана олмайдди. Илм доимий аниқланиш, янги қараш ва янги тафаккур демакдир. Бу эса, аввало, ёшлар орқали намоён бўлади. Шунинг учун энг биринчи вазифа ёшларда илмга қизиқишни шакллантиришдир.



Сўнгги ўн йилликда жамиятимизда муҳим бир ўзгаришни кузатишимиз: ота-оналар фарзандларини илмий қилишга, уларни замонавий фикрлайдиган инсон этиб тарбиялашга жиддий эътибор қарата бошлади. Бунинг асосий сабабларидан бири давлатимиз раҳбари томонидан илм-фанга берилаётган юксак эътибордир. Чунки жамиятда қайси соҳа қадрланса, ёшлар айнан шу йўналишга интилади.

Ёшларни рағбатлантиришда олимпиадалар тизими ҳам муҳим ўрин тутмоқда. Президентимиз ташаббуси билан халқаро

фан олимпиадалари гоғиларига жуда катта муқофотлар берилаётгани тарихий янгилик десак, муболага бўлмайди. Масалан, олтин, кумуш ва бронза медал соҳибларига катта миқдорда пул муқофоти, уларнинг устозларига ҳам муносиб рағбат берилаётгани ёшларда ишонч ва интилишни кучайтирмоқда. Бир жиҳатдан қараганда, бу меҳнат ва истеъдоқ қадрланаётганининг ёркин намунасикидир.

Шу билан бирга, олий таълим қамрови кенгайгани ҳам муҳим омил бўлди. Бугунги кунда ёшларнинг олий таълимга кириш имкониятлари анча ошди, янги университетлар, хорижий олийгоҳлар филиаллари очилди. Бу эса билим олиш йўлларини кенгайтирди ва рақобат муҳитини шакллантирди.

Бирок ҳар қандай жараёнда бўлгани каби бу ерда ҳам масаланинг иккинчи томони мавжуд. Айрим ҳолларда таълим тизимида тижоратлашув аломатлари кузатишмоқда. Яъни базис олийгоҳлар билим беришдан кўра, кўпроқ талабани жалб қилиш ва молиявий манфаатни устувор қўяётгани сир эмас. Айниқса, иқтисодиёт, чет тиллар, ҳуқуқ каби оммабоп йўналишларда бу ҳолат кўпроқ учрайди.

Масофавий таълим шакллари кескин кўпайиши ўзига хос саволларни келтириб чиқармоқда. Албатта, бу замон талаби, муайян маънода қулайлик яратади. Ammo таълим сифати масаласи доимо устувор бўлиб қолиши керак. Чунки вақт ўтиб, талаба меҳнат бозорига чиққанда унинг ҳақиқий билими намоён бўлади. Ҳаёт — энг адолатли мезон.

Кадрлар масаласи ҳам муҳим жиҳатлардан бири. Айрим нодавлат олийгоҳлар юқори маош тақлиф қилиб, давлат университетлариданги малакали ўқитувчиларни жалб қилмоқда. Бу, табиийки, рақобатни кучайтиради, ammo айрим давлат олийгоҳларида илмий-педагогик салоҳият пасайишига олиб келиши мумкин. Шу билан бирга, янги таълим муассасаларида таҳсил олаётган талабаларнинг билим даражаси ҳар доим ҳам юқори эмаслиги кузатилади. Бу эса таълим сифатига жиддий эътибор қаратишни талаб этади.

Менимча, мазкур муаммоларни ҳал этиш учун аниқ механизмлар жорий этиш зарур. Масалан, таълим муассасаларига лицензия ёки сертификат беришда уларнинг фаолиятини муайян муддатдан кейин қайта баҳолаш амалиётини жорий этиш мумкин. Талабалар билимининг мустақил синовлар орқали текшириш, натижаларга қараб тегишли хулосалар чиқариш лозим. Чунки энг катта йўқотиш ёшларнинг умри ва ишончидир.

— Олимларнинг виждони ҳақида тўхталингиз. Умуман, ҳақиқий олим қандай вазифалар билан ажралиб туриши керак? Унинг илмий ва инсоний сифатлари ҳақида нима дейсиз?

— Бу жуда нозик ва муҳим масала. Чунки олим фақат илмнинг эгаси эмас, балки жамият учун маънавий намуна ҳамдир. Илм нафақат ақл махсули, у инсоннинг ички дунёси,

самарали. Чунки фикрлар тўқнашуви, баҳс-мунозара ва ҳамкорлик орқали ҳақиқатга яқинлашилади. Шогирд эса нафақат ўргатувчи, балки кўп ҳолларда устозига ҳам-фикр, елкадош бўлади.

Олимнинг қандай бўлиши кўп жиҳатдан унинг соҳасига ҳам боғлиқ, албатта. Лекин барча соҳалар учун умумий бир ҳақиқат бор: олим, аввало, ўз фанининг фанати бўлиши керак. Яъни у илмни касб эмас, балки ҳаёт мазмуни сифатида қабул қилиши лозим. Илмга муҳаббат бўлмаса, катта натижаларга эришиш қийин.

Шу билан бирга, олимда инсоний фазилатлар — камтарлик, ҳалоллик, сабр-тоқат ва ҳақиқатга садоқат бўлиши шарт. Чунки илм ёлгонни қабул қилмайди. Бирор натижани сунъий равишда кўрсатиш ёки сохталаштириш мумкин, ammo вақт ўтиб, ҳақиқат барибир юзага чиқади.

Яна бир муҳим жиҳат — шогирд масаласи. Олимнинг ортидан унинг илмий меросини давом эттирадиган авлод қолиши керак. Агар олим ўзидан кейин мактаб қолдирмаса, унинг фаолияти муайян маънода узилиб қолиши мумкин. Шунинг учун ҳақиқий олим нафақат кашфиёт қилади, балки инсонни тарбиялайди.

— Ҳозиргача илм-фан ҳақида гапирганимизда, асосан, марказий тизимга ургу бердик. Худудларда илм-фан ривожига қандай кечмоқда? Айниқса, вилоятлар ва ҳатто туманларда университетлар очилаётгани қандай самара бериши мумкин?

— Бу жуда муҳим масала. Чунки илм-фан фақат пойтахт доирасида қолиб кетмаслиги, бутун мамлакат бўйлаб барқарор ривожланиши керак. Сўнгги йилларда айнан шу йўналишда салмоқли ишлар қилинди. Хусусан, Фанлар академиясининг қатор филиаллари вилоятларда ташкил этилди ва улар маҳаллий университетлар билан узвий боғланди.

Бунинг асосий мақсади — худудлардаги интеллектуал салоҳиятни юзага чиқариш. Чунки ҳар бир вилоятда иқтидорли ёшлар, малакали ўқитувчилар бор. Уларга фақат имконият ва илмий муҳит керак. Шу нуқтан назардан, вилоятлардаги тажрибали педагоглар хоҳишига қараб, академия тизимига тўлиқ ёки ўриндошлик асосида жалб қилинмоқда. Натияжада бугун вилоятлардан ҳам кучли фан докторлари ва илмий кадрлар етишиб чиқмоқда.

Худудий ихтисослашув ҳам муҳим жиҳатлардан бири. Масалан, академиянинг айрим филиалларини муайян йўналишларга ихтисослаштириш режалаштирилган. Жумладан, Термизда археология, Наманганда ботаника, Самарқандда физикага алоҳида эътибор қаратиш кўзда тутилмоқда. Бу ҳар бир худуднинг табиий ва илмий имкониятларидан самарали фойдаланишга хизмат қилади. Натияжада шу соҳаларга қизиққан иқтидорли ёшлар айнан ўша манзилларда жамланиб, илмий мактаблар шаклланади.

— Кейинги йилларда олимларимиз аждоқларимиз илмий меросини ўрганиш асосида халқаро майдонда ҳам замонавий ютуқлар билан ўз ўрнини топмоқда. Бу борада қандай ишлар амалга оширилди ва яна қандай натижалар кутиш мумкин?

— Дараҳақиқат, бугун Ўзбекистон олимлари халқаро миқёсда тан олинган. Қатор нуфузли илмий тузилмалар, жумладан, Жаҳон фанлар академияси каби тажрибалиларга ватандошларимиз аъзо бўлиб, фаолият юритмоқда. Бу ҳам миллий илм-фан салоҳиятининг халқаро эътиборидир.

Шунингдек, хорижий олимлар билан ҳамкорлик изчил ривожланимоқда. Кўп тадқиқотлар, илмий конференция ва учрашувлар орқали тажриба алмашишуви кучаймоқда. Бу жараён нафақат янги билимлар олиш, балки миллий илм мактабларини дунёга таништириш имконини ҳам беради.

Гуманитар фанлар соҳасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Илм цивилизацияси маркази фаолиятини мисолида тарихчилар, шарқшунослар, матншунослар ва бошқа мутахассислар аждоқларимиз қолдирган бой илмий меросини ўрганиш ва тарғиб этишда самарали меҳнат қилимоқда. Бу эса миллий ўзлиқни аниқлаш ва маънавий меросини тиклашда муҳим аҳамият касб этади.

Умуман олганда, бугунги кунда илм-фан соҳасидаги ихлоқотлар ўз самарасини бермоқда. Энг муҳими, бу жараён узлуксиз давом этиши керак. Чунки илм бир қунилик эмас, балки авлодлар меҳнати билан яратилган буюк қадриятдир.

— Мазмуни суҳбатингиз учун катта раҳмат!

Нуқтаи назар

Шарҳ



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz\_official



yuz.uz\_news



yuz.uz\_news

2026 йил 22 май, 103-сон

# УМУМИЙ ТАРИХ, МУШТАРАК МАҚСАДЛАР ВА ТАРАҚҚИЁТ МАЙДОНИ

Дилмурод ОРТИҚОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

Бугунги кунда жаҳонда мураккаб геосиёсий жараёнлар кечмоқда, иқтисодий беқарорлик ва экологик муаммолар тобора кучайиб бормоқда. Ана шундай глобал инқирозлар шароитида мамлакатлар ўртасидаги ишончли ҳамкорлик ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шу нуқтаи назардан, Туркий давлатлар ташкилоти нафақат минтақавий мулоқот платформаси, балки умумий тарих, маданият ва кадрларга таянган стратегик ҳамкорлик институти сифатида тобора мустақамланиб бораётгани гоят муҳим аҳамиятга эга.



Давлатимиз раҳбари Туркий давлатлар ташкилотининг Туркистон шахридаги норасмий саммитида иштирок этиб, долзарб таклиф ва ташаббусларни илгари сургани туркий дунё ҳамкорлиги ва ҳамжиҳатлигини янада кучайтириш йўлида муҳим қадам сифатида баҳоланмоқда. Сунъий интеллект ва рақамли ривожланиш мавзусида ўтказилган мазкур саммит бугунги куннинг энг долзарб масалаларига бағишлангани билан эътиборга молик. Зеро, XXI асрда давлатларнинг тараққиёти нафақат табиий ресурслар, балки рақамли технологиялар ва инновацион салоҳият билан ҳам белгиланмоқда.

Ушбу саммит глобал геосиёсий тебранишлар даврида минтақамизнинг янги қиёфасини белгилаб берувчи стратегик платформадир. Бу жараёни нафақат сиёсий ва иқтисодий интеграция, балки тарихий адолат тикланиши ва миллий манфаатларнинг жамоавий ҳимояси сифатида баҳоланмоқда.

Ташкилот сўнги йилларда расмий учрашувлар доирасидаги тузилма эмас, балки амалий натижаларга хизмат қилаётган самарали майдонга айланди. Буни Ташкилот доирасида давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган юздан ортиқ ташаббусларнинг аксарияти тўлиқ амалга оширилгани яққол тасдиқлайди. Бу туркий давлатлар ўртасидаги ишонч, сиёсий ирода ва муштарак мақсадлар амалда ифодасини топаётганини кўрсатади. Энг муҳими, қабул қилинаётган қарорлар қозғоғда қолиб кетмайтири, халқлар манфаатига хизмат қилаётган аниқ лойиҳаларга айланмоқда.

Айниқса, савдо-иқтисодий, инвестиция ва транспорт-коммуникация соҳаларидаги ҳамкорлик янги босқичга кўтарилмоқда. Бугун туркий давлатлар ўртасида транспорт йўлакларини ривожлантириш, савдо ҳамжони ошириш, рақамли инфратузилмани шакллантириш бўйича кенг қаровли ишлар олиб борилаётир. Бу нафақат минтақа давлатлари иқтисодиётини мустақамлаш, янги иқтисодий боғлиқликни юзага келтиришга ҳам хизмат қилаётир.

Мамлакатимиз учун ҳам Ташкилот доирасидаги ҳамкорлик ниятда манфаатли ҳисобланади. Туркий давлатлар билан иқтисодий, маданий ва гуманитар алоқалар кучайиши Ўзбекистоннинг ташқи сиёсий ва иқтисодий манфаатларига тўлиқ мос келади. Транспорт йўлакларини кенгайтириш ва инвестициявий ҳамкорлик ортиси мамлакатимиз тараққиёти учун янги имкониятларни очмоқда.

Туркий халқларнинг ҳамжиҳатлиги нафақат бугунги сиёсий манфаатлар маҳсули эмас. Туркий халқлар аслар давомида ўхшаш кадрлар, тил, урф-одат ва анъаналар асосида шаклланган. Буюк ипак йўли цивилизациясида туркий халқлар муҳим ўрин тутгани, илм-фан, маданият ва давлатчилик соҳаларида улкан мерос қолдиргани тарихдан яхши маълум. Шу маънода, мазкур Ташкилот табиий ва тарихий эҳтиёж сифатида майдонга чиққан тузилмадир.

Айтиш жоизки, Ташкилот тарихида 2022 йилда Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган саммит алоҳида аҳамият касб этади. Самарқанд саммити туркий ҳамкорлигининг мутлақо янги босқичга кўтарилишида тарихий бурилиш

нуқтаси бўлган. Айнан ушбу саммитда ташкилотнинг институционал имкониятлари кенгайди. Иқтисодий ва транспорт боғлиқлигини кучайтириш бўйича муҳим келишувларга эришилди. Асосийси, Самарқанд руҳи туркий давлатлар ўртасидаги ўзаро ишонч ва стратегик шерикликни янада мустақамлашди.

Хусусан, давлатимиз раҳбарининг Қозогистон билан тузаётган Қўшма вентур жамғармасига ташкилотнинг барча аъзоларини қўшилишга қақриғи ёшларнинг истиқболли стартаплари, инновацион ишланмалари, сунъий интеллектга асосланган тури ечимларини молиялаштириш, минтақада ягона инновацион макон яратишга хизмат қилади.

Яссавий тарихининг бағрикенглик ва маърифатпарварлик гояларини ҳамкорликда чуқур ўрганиш ҳамда кенг тарғиб этиш таклифи эса жамиятда миллатлараро тоғувлик, диний бағрикенгликни мустақамлаш, ёшларни эзгу кадрлар руҳида тарбиялаш, туркий халқларнинг умумий маънавий мероси ва маданий яқинлигини янада кучайтиришга имкон беради.

Умуман, илгари сурилган ташаббусларнинг аксарияти бугуннинг ўзида муайян амалий асосларга эга. Бу эса Ўзбекистоннинг Туркий давлатлар ташкилоти доирасида фол ташаббуслар ва минтақавий интеллектуал марказ сифатидаги ўрни тобора мустақамланиб бораётганини кўрсатади. Янги геосиёсий шароитда мазкур ёндашув нафақат туркий давлатлар, балки бутун минтақанинг барқарор тараққиёти учун муҳим стратегик аҳамият касб этади.

Бугун туркий дунё ўз овози ва тараққиёт моделини шакллантириш сари

Сўнги йилларда Туркий давлатлар ташкилоти барқарор ривожланиш суръатларини намойиш этаётган нуфузли тузилмага айланди. Масалан, 2025 йилда давлатларимизнинг умумий иқтисодий салоҳияти 2,4 триллион доллардан ошди ва унинг динамикаси глобал ўсишдан икки баробар юқори бўлди. Ўтган йилнинг ўзида Ўзбекистоннинг ташкилот мамлакатлари билан савдо айланмаси 14 фоз ўсди.



астрономия ва физика фанлари равнақиға беқиёс ҳисса қўшиб, шу тариқа ҳозирги сунъий интеллект ривожига учун асос яратган.

Туркий давлатлар ташкилоти сўнги йилларда минтақавий ҳамкорлигининг янги институционал модели сифатида шаклланиб бормоқда. 2021 йили Истанбул саммитида расман ташкил этилган ушбу тузилма бугун Қозогистон, Ўзбекистон, Туркия, Озарбайжон ва Қирғизистонни бирлаштирган муҳим халқаро платформага айланди. Туркманистон ва Венгрия кузатувчи давлат сифатида иштирок этмоқда.

ТДТ бугун барқарор ривожланиш суръатини намоеън этаётган нуфузли тузилмага айланди. Хусусан, 2025 йилда давлатларимиз умумий иқтисодий салоҳияти 2,4 триллион доллардан ошди ва ўсиш суръати глобал иқтисодий ўсишдан икки баробар юқори бўлди. Ташкилотта аъзо мамлакатлар жами 170 миллиондан ортиқ аҳоли, улкан табиий ресурслар, катта ички бозор ва муҳим транзит имкониятларига эга маконни қамраб олган. Бу макон Евроосиё геосиёсий харитасида тобора катта аҳамият касб этмоқда.

Сўнги йилларда ташкилот доирасидаги иқтисодий ҳамкорлик сезиларли даражада фаоллашди. Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази таҳлилларига кўра, 2025 йилда тузилмага аъзо мамлакатларнинг умумий ташқи савдо айланмаси 1,2 триллион доллардан ошган.

Президентимиз ҳам ўтган йилнинг ўзида Ўзбекистоннинг ташкилот мамлакатлари билан савдо айланмаси 14 фоз ўсиб, деярли 11 миллиард долларга етганини таъкидлади. Бу рақам туркий давлатлар мамлакатимиз ташқи иқтисодий сиёсатида тобора муҳим ўрин эгаллаётганини кўрсатади. Ҳисоб-китобларга кўра, аъзо мамлакатларга экспорт қийматини яна 2,7 миллиард долларга ошириш имконияти мавжуд.

# ТУРКИЙ ДУНЁ: РАҚАМЛИ КЕЛАЖАК САРИ ИНТЕГРАЦИЯ

Туркистон — Аҳмад Яссавий мероси билан боғлиқ, асрлар давомида туркий халқларнинг маънавий маркази сифатида шаклланган тарихий маскан. Айнан шу шаҳарда Туркий давлатлар ташкилотига аъзо ва кузатувчи давлатлар XXI асрнинг энг муҳим стратегик мавзуларидан бири — сунъий интеллект, рақамли иқтисодиёт ва технологик ҳамкорлик масалаларини муҳокама қилиш учун жам бўлди.



Ойбек ҚЎШБОҚОВ, Парламент тадқиқотлари институти бўлим бошлиғи

Саммитнинг Туркистон шаҳрида ўтказилиши рамзий ва сиёсий жиҳатдан катта аҳамиятга эга. Чунки мазкур тадбир нафақат умумий тарихий-маданий мерос, балки туркий давлатларнинг келажак тараққиёти рақамли технологиялар ва инновациялар билан бевосита боғлиқ эканини намоеън қилди. Қадимий цивилизациялар чорраҳасида жойлашган шаҳар бу сафар рақамли интеграция масалалари муҳокама қилинган янги сиёсий мулоқот майдонига айланди.

Айниқса, Президентимизнинг норасмий саммитдаги нутқи мазкур жараённинг фақат технологик эмас, балки цивилизация аҳамиятга эга эканини яна бир бор кўрсатди.

2026 йил апрель ҳолатига кўра, юртимизда ТДТ мамлакатлари капитали иштирокида 4500 дан ортиқ корхона фаолият юритмоқда. 2017-2025 йилларда ушбу давлатлардан жалб қилинган инвестициялар умумий ҳажми 11,5 миллиард доллардан ошган.

Саммит кун тартибига сунъий интеллект мавзусининг олиб чиқилиши бежиз эмас. Чунки

Замонавий рақамли иқтисодиёт фақат дастурий таъминот ёки интернет хизматлари билан чекланмайди. Космик инфратузилма, сунъий йўлдош технологиялари ва катта маълумотлар тизими ҳам рақамли суверенитетнинг муҳим қисми. Ушбу соҳада ҳамкорлик қилиш туркий давлатларга аграр мониторинг, иқлим кузатуви, логистика ва хавфсизлик тизимларида янги имкониятлар очиб бериши мумкин.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, туркий дунё интеграцияси халқларимиз тақдирига дахлдор узоқ муддатли стратегик масалага айланмоқда.

Президентимиз нутқида бугунги геосиёсий вазиятнинг мураккаблиги, халқаро муносабатларда ишонч тақчиллиги кучайиб бораётгани ва глобал институтлар таъсирининг пасайиши

бугун сунъий интеллект технологиялари жаҳон иқтисодиётининг янги драйверига айланмоқда. Халқаро прогнозларга кўра, 2030 йилга бориб, сунъий интеллект бозори қиймати 20 триллион долларга яқинлашиши мумкин. Алгоритмик ўрганиш технологиялари, катта маълумотлар таҳлили, визуал маълумотларни таҳлил қилиш тизимлари ва интеллектуал бошқарув механизм-



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ХАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

алоҳида қайд этилди. Бу эса туркий давлатларнинг ўзаро ҳамжиҳатлиги ва умумий позиция шакллантиришини тарихий заруратга айлантирмоқда. Шу нуқтаи назардан, Туркистон саммити фақат навбатдаги дипломатик тадбир эмас, балки туркий давлатларнинг янги рақамли геосиёсий маконда ўз ўрнини белгилашга қаратилган стратегик мулоқоти сифатида муҳим аҳамият касб этади.

ТДТ давлатлари учун мазкур жараён икки томонлама аҳамият касб этади. Бир томондан, рақамли технологиялар иқтисодий тараққиётни тезлаштириш имконини беради, иккинчи томондан эса глобал рақамли рақобат шароитида технологик қарамлик хавфи ҳам кучаймоқда. Шу нуқтаи назардан қараганда, Туркистон саммити туркий давлатларнинг рақамли келажак борасида умумий позиция шакллантиришга интилаётганини кўрсатади.

Саммитда Президентимиз илгари сурган энг муҳим ташаббуслардан бири "Рақамли туркий йўлак" концепцияси бўлди. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, Ўзбекистон сўнги йилларда хоризий инвесторлар билан дата марказлар барпо этишга 6 миллиард доллар сармоя жалб этмоқда. Бу жараён мамлакатимизни минтақавий рақамли хабга айлантиришга қаратилган узоқ муддатли стратегиянинг муҳим қисмидир.

Рақамли туркий йўлак концепцияси эса туркий давлатлар дата марказларини юқори тезликдаги алоқа каналлари билан боғлашни назарда тутаети. Бу ташаббуснинг геосиёсий аҳамияти жуда катта. Чунки XXI асрда рақобат нефть-газ ёки саноат қувватлари билан бирга маълумотлар инфратузилмаси, серверлар, булутли технологиялар ва рақамли платформалар устидан назорат учун ҳам кучаймоқда. Агар тузилмага аъзо давлатлар ўзаро интеграциялашган рақамли инфратузилма ярато оلسа,

дари давлат бошқарувида тортиб, тиббиёт, таълим, молия ва қишлоқ ҳўжалигини боғлаш соҳалари тубдан ўзгаришга учиради.

Замонавий рақамли иқтисодиёт фақат дастурий таъминот ёки интернет хизматлари билан чекланмайди. Космик инфратузилма, сунъий йўлдош технологиялари ва катта маълумотлар тизими ҳам рақамли суверенитетнинг муҳим қисми. Ушбу соҳада ҳамкорлик қилиш туркий давлатларга аграр мониторинг, иқлим кузатуви, логистика ва хавфсизлик тизимларида янги имкониятлар очиб бериши мумкин.

Туркистон саммитининг норасмий форматда ўтказилгани ҳам эътиборга молик. Бундай формат давлат раҳбарларига қатъий дипломатик протоколлардан холи равишда стратегик масалаларни муҳокама қилиш имконини беради. Кўп ҳолларда айнан норасмий саммитларда кейинчалик илгари сиёсий ва иқтисодий қарорларга асос бўладиган гоялар шаклланади. Шу маънода, Туркистон саммити ТДТнинг янги ривожланиш босқичига ўтаётганини кўрсатади.

Президентимиз Туркистон декларацияси "Туркий дунё нигоҳи — 2040" концепциясида белгиланган мақсадларга эришиш йўлида муҳим қадам бўлишини таъкидлади. Бу декларациянинг ҳақиқий аҳамияти эса амалий механизмлар, қўшма инвестициялар ва институционал ислохотлар билан белгиланади.

Давлатимиз раҳбари илгари сурган "Рақамли туркий йўлак", Киберхавфсизлик альяниси, умумий "катта маълумотлар" платформаси, ёшлар стартапларини қўллаб-қувватлаш ва иқлим мониторингини тизими каби ташаббуслар айнан шу мақсадга хизмат қилди.

Энг муҳими, туркий давлатлар рақамли келажакни ташқи технологиялар импорти орқали эмас, балки умумий стратегия, интеллектуал ҳамкорлик ва қўшма инновациялар асосида қуришга интилаётганини намоеън қилди. Бу эса Туркистон саммитининг ҳақиқий тарихий аҳамиятини белгилайди. Чунки XXI асрда рақобат энди фақат худудлар ёки ресурслар учун эмас, балки интеллект, маълумот ва технологиялар учун кечмоқда. Туркий дунё эса ушбу янги рақобатда ўз овози, ўз стратегияси ва ўз рақамли цивилизация маконини шакллантиришга ҳаракат қилмоқда.

Мулоҳаза

“ЎЗ ТИЛИГА САДОҚАТ БУ — ВАТАНИЙ ИШДИР”

Ўзбек тили асрлардан асрларга ўтиб келаётган маънавий хазинадир. Бу хазинани асраш ҳамда авлодларга соғлиғича етказиш учун ҳар биримиз масъулмиз. То ҳаёт эканмиз, бу масъулиятни шараф деб билмоғимиз шарт.

Она тилимиз олдидаги қарзимиз худди онамиз олдидаги қарздек бениҳоядир. Тилимизда муқаддас қадриятларимиз, қадим анъаналаримиз, маънавийтимиз, дунёқарашимиз, миллатимиз руҳи яшайди. У қалбимиз садоси, борлигимиз кўзгуси. Она тилимиз бизни энг қадим аجدодларимиз билан боғлаб, ким эканимизни, томирларимиз қайси дарёлардан сув ичганини эслатиб туради. Асрлар бўрони, йиллар силсиласидан омон чиқишнинг йўли битта — тилини йўқотмаслик.

“Ҳар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадиган ойина ҳаёти бу — унинг миллий тили ва адабиётидир”, дейди Абдулла Авлоний. Абдулла Қодирий эса тилимизни камбағал дегувчиларга бундай жавоб берган: “Ўзбек тили камбағал тил эмас, балки ўзбек тилини камбағал дегувчиларнинг ўзи камбағал. Улар ўз нодонликларини ўзбек тилига тўнкамасинлар”.

Миртемирнинг “Она тилим” шеърини қайта-қайта ўқир экансиз, кўз ўнгингизга ўзбекининг бағридек кенг ёнбонари, чексиз боғу бўстонлари, серҳосил далалари, оқар дарёлари, оналар айтган аллалари, жон томирингга сингиб кетган бўлоқлари келади.

Фақат ўзбек тилида дарёлар арслондек айқиради. Фақат ўзбек тилидаги дostonларда мардлар Алломшидек ор талашиб майдонга чиқади. Ўзбек тилининг муқаддаслиги Ойбарчи бўлиб садоқатдан сўзлайди.

Дунёнинг энг юксак минбари бўлган БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида давлатимиз раҳбари ўзбек тилида маъруза қилган даҳзалар тарихимизга олтин ҳарфлар билан ёзилди. Мамлакатимиз ҳаётида муҳим ўрин тутган унутилмас маъруза ўзбек тилида янграши тилимизнинг жаҳон майдонидидаги салоҳиятини, муносиб ўрни, обрў-эътиборини, асрий орзу ва армонларини намойиш бўлди.

“Ҳар биримиз давлат тилига бўлган эътибори мустақилликка бўлган эътибор деб, давлат тилига эътиром ва садоқат она ватанга эътиром ва садоқат деб билишимиз, шундай қарашни ҳаётимиз қондасига айлантиришимиз керак. Бу олижаноб ҳаракатни барчамиз ўзимиздан, ўз онлашимиз ва жамоамиздан бошлашимиз, она тилимизга, урф-одат ва қадриятларимизга ҳурмат, ватанга ҳеҳримизни амалий фаолиятда намойиш этишимиз керак”, деган эди Президентимиз ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг ўттиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида.

Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари дадил оқимлаётган юртимизда барча соҳаларда давлат тилининг жамиятдаги ўрни ва нуфузини ошириш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбек тили давлат тили сифатида сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маънавий ва маърифий ҳаётимизда фаол қўлланиб, халқаро минбарлардан баралла янграмоқда.



Зулфия МҶМИНОВА, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, “Маърифат” тарғиботчилар жамияти аъзоси

Мамлакатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил этилган Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида йўқолиб кетиш арафасида турган фольклоршунослик йўналиши қайта тикланди. Диалектология, туркология, матншунослик каби унутилаётган йўналишлар очилди, илмий ишлар учун янги имкониятлар



яратилди. Мамлакатимизнинг барча олий ўқув юртиларида ўзбек тили ва адабиётини ўрганиш бўйича ўқув дастурлари, дарслик ва қўлланмалар, рисола ҳамда монографиялар нашр этилиб, илмий анжуманлар ўтаётгани она тилимизнинг истиқболдан далолат беради.

Адабиётимизнинг буюк вакиллари, ўзбек тилининг жонқурларига Миллий боғ худудида ташкил этилган Адиблар хиебонидида кўйилган ёдгорликлар пайида ўтаётган адабий кечалар, янги асрлар тақдиротлари, илмий-амалий симпозиумлар она тилимиз ва миллий адабиётимиз ривожига муносиб ҳисса қўшмоқда.

Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳамда Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхонада ўтаётган китоб тақдиротлари, адабий уршувларга мамлакатимизнинг хориждаги элчихоналари ва дипломатик ваколатхоналари ҳузурда ташкил этилган “Ўзбек тилининг дўстлари” клублари аъзолари ҳам тақдирот этилаётгани тилимизнинг халқаро миқёсдаги нуфузини оширишга хизмат қилмоқда.

Ўзбек тилидаги романлар, қиссалар, ҳикоялар, дostonлар, ғазаллар, шеърлар, эртаклар, мақоллар орқали қадим тарихни ўрганиб, қаердан келаётганимизни англаймиз. Кўшиқлар, лапарлар, айтишувлар, термалар билан тилимизни, онгимизни, ўй-хаёлларимизни нурларга чулғаймиз. Шу тилда орзумидларимизни баён этамиз.

Тўғри, тилимизга эътибор катта. Лекин ҳали муаммолар ҳам етарли. Зеро, она тилимиз олдидаги қарзимизни бир лаҳза бўлса-да унуттишга ҳаққимиз йўқ. Эслаб кўрайлик, 21 октябрь — ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган кун арафасида тил ҳақидаги фикр мулоҳазаларимиз, ОАВдаги чиқишларимиз, босма нашрлардаги муҳокама, мулоҳаза, муносабатларимиз қизигандан-қизийди. Лекин тил байрами ўтиши билан секинлашади.

Тилимизни асраш ҳақида гап кетганда, кўпчилигимиз шаҳар ва қишлоқларимиз, йўлларимиз, девору дарвозаларимиз пешлаҳаларида ажнабий сўзлар ва ёт тиллардаги ёзувлар кўпайиб кетгани, ҳатто айрим жойларда ўзбек тилидаги ёзувлар орқа ўринга ўтиб, паст қаторга тушиб қолаётгани ҳақида ачиниб гапираримиз. Аслида, бундай муаммолар кўп...

мактаблар дарсликларидида маълумотларга тўғри келмаслиги ҳам муаммолар келтириб чиқармоқда.

XX аср бошида олти — ўзбек, араб, форс, ҳинд, турк ва рус тилларида дугат тузган аллома Исҳоқхон Ибротнинг қуйидаги ҳикматли сўзларини унутмайлик:

“Бизнинг ёшлар, албатта, бошқа тилни билиш учун саъй-ҳаракат қилсинлар, лекин



Она тилимизга эътиборсизликнинг бошланishi жойи мактаб дарсликларимиздаги камчилликларда. Ўзбек тили ва ўзбек адабиёти дарс соғлари камайиб кетганида. Ҳар уч йилда ўзгартиб турган дарсликларда учрайдиган хатолар, гализликлар барчани чалғитиб ташлади. Адабиёт дарсликларидида шериётга оид дарс соғлари кам ажратилган. Ўқувчи шеър ёдлаш орқали сўз ёдлайди. Шеър ёдлаш орқали хотираси мустаҳкамланади. Шеър ёдлаш туфайли унда фикрларини жамлаш қўникмаси ортади.

Минг афсуски, ҳозир аксарият 8-синф ўқувчилари 8 та шеър билмайди. Урта мактабни битириб чиқатган минглаб ўқувчилар ватан ҳақида битта ҳам шеър билмаслигини оддий ҳол деб қабул қилиш мумкинми? Ватанпарварлик ўз тилида, ўз онаси ва ўз юрти ҳақидаги сатрларни қалбига қасамдек жойлашдан бошланмайдими?

Ўзимизнинг гўзал сўзларимиз ўрнига ажнабий сўзларни қўлашга одатландик. Дарслар рус, инглиз тилларида ўтиладиган мактабларимиз сони кўпайиб бормоқда. У мактаблардаги аксарият ўзбек болалар ўзбек тилини тўшунмайди. Чунки бундай мактаблардаги она тилдан дарс ўтаётган баъзи ўқитувчиларнинг ўзини ҳам ўзбек тили қондаларини ўргатиш керак. Хорижий тилларга ихтисослашган мактаблардаги ўзбек тили дарсликларидида маълумотлар ўзбек тили

аввал ўз она тилини кўзларига тўтиё қилиб, эҳтиром кўрсатсинлар. Зеро, ўз тилига садоқат — ватаний ишдир”.

Ҳеч бир жабҳада тилга эътиборсизлик кечирилмаслиги керак. Бугун давлат рўйхатидан ўтиб олиб, ўз уйдан босмахоҳона очган, гўж-гўж хатолар билан “китоблар” чоп этаётган “тадбиркор”ларнинг бозори чаққон. Хусусий нашрларда чоп этилаётган асарлардаги қўпол хатолар учун кимдир жавобгарликка тортилмас, улар устидан назорат ўрнатилмас экан, китобдан ёппасига бешиш давом этади.

Ўзбек тили шевалари кўплиги, жозибдорлиги билан оламда ягона. Шевалар ҳам тил сандигимизнинг хазинаси. Минг афсуски, шеваларимиз ҳам йўқолиб бормоқда. Шевалар йўқолиши ҳам тил фожиясидир.

Водийда шамчирогим, пахлаваном, кўзгавҳарим, воҳада мўнгим, ойнам, доно қушим, ақлжоним, ақлмирзом, гиргиттоним, нориттоним каби шева сўзлар унутилиб бормоқда. Ҳозирги ёшлар бу шеваларни билмайди ҳам, тўшунмайди ҳам. Қорақалпоғистон, Хоразм томонларига хос бўлган шевалар шу қадар ширинки, бундай дурдона каломлар фақат доною доғишмандлар камол топаётган масканларда янграши анди. Афсуски, қорақалпоқча, хоразмча шеваларни рус тилидан қириб келган сўзларга қўпол равишда алмаштириб,

Саломлашаётган роботлар, дроңлар, кўтариш мосламалари, муқобил электр энергияси ишлаб чиқарадиган жиҳоз ва ускуналар... Бундай замонавий техника ва қурилмалар ихтирочилари — касб-ҳунар техникумларида таълим олаётган ёшлар.

Фаргона шаҳрида касблар фестивали бўлиб ўтди. “Касбий салоҳият — келажак пойдевори” шiori остида ташкил этилган тадбирда техникум ўқувчилари тайёрланган амалий ишлар ва маҳсулотлар кўргазмаси ташкил этилди. “Мехатроника ва робототехника”, “Электр жиҳозлари”, “Замонавий муҳандислик”, “Сар-тарошлик ва модельер”, “Қандолатчилик”, “Мода ва дизайн”, “Тўқимачилик маҳсулотлари” каби павильонларда ўқувчиларнинг ишлари намойиш этилди. Иш берувчилар билан очик мулоқотлар, стартап ва инновацион лойиҳалар тақдироти ўтказилди.

— Бу ерга бино ва иншоотлар қурилиши йўналиши ўқувчилари билан келдик. Улар ўзи ясалган буюм ва маҳсулотларини намойиш қилди, — дейди Марғилон шаҳридаги 4-техникумнинг касбий таълим устаси Обидхон Сайдулов. — Шунингдек, фестивалда умумтаълим мактабларининг юқори синф ўқувчилари ҳам қатнашапти. Уларга техникумлардаги шарт-шароит, таълим йўналишлари ҳақида маълумот бериляпти. Бугун ёшлар техникумини тайёр малакали кадр бўлиб таомлаяпти. Буни кўргазмага қўйилган техникалар мисолида ҳам кўриш мумкин. Яна бир мисол: ўқувчиларимиз “Бурҳониддин Марғинович” илмий-маърифий ва туризм мажмуаси қурилишида фаол иштирок этиди. Бу — биз учун фахр.

Кейинги йилларда касб-ҳунар техникумларида ўқиниш истиқоли ёшлар сафи кенгайиб борапти. Чунки бугун техникумда ўқиш, қисқа муддатда касб ағалашш мумкин. Қолаверса, дуал таълим асосида мўқим иш жойи ва даромадга эга бўлиш, хорижда ўқиш-ишлаш имкони мавжуд. Техникумда кўндалик турмушда ниҳоятда керакли соҳалар — сантехника, электромонтаж, монтаж, логистика каби

ОЙНИНГ ОБ-ҲАВОСИНИ ЎРГАНАЁТГАН ЎЗБЕК ЁШЛАРИ Фарғоналик йигит-қизлар стартап лойиҳаларини тақдим этди

йўналишларда малакали кадрлар тайёрланади. Немис таълим дастури асосида “Ausbildung” тизими жорий этилган. Мазкур тизим назарий ва амалий билимларни уйғунлаштирган ҳолда касбни чуқур ўргатишга қаратилган. Унга мувофиқ, ёшлар иккинчи ва учинчи курсни Германияда ўқиши, дуал таълим шаклида таҳсил олиб, ишлаши мумкин.

Юртимиз ёшларининг инноваторлик ва рақамли технологиялар билан ишлаш қобилияти таҳсинга сазовор. Бундай йигит-қизлар орасида ўқувчилик пайтидаёқ иккинчи салоҳияти билан тилга тушаётганлар ҳам кўп. Ана шундай иқтидорли ёшлардан бири Бағдод туманидаги 2-техникум ўқувчиси Сайёдбек Муроджонов. У болалиқдан китоб ўқиш, расм чизиш, турли ўйинчоқлар ясашни ёқтиради. Мактабда ва техникумда ўқиш чоғида тинимсиз изланиб, ўқиб-ўрганди. Ингилишлари самара берди. У “Green Lion” стартап лойиҳасига асос солиб, эътирофга сазовор бўлди.

— Лойиҳадан кўзланган асосий мақсад Ойни ўрганиш ва унда инсон яшашини таъминлаш учун шартин яратиш, — дейди ёш тадқиқотчи. — Айни кунда устозлар кўмағида лойиҳанинг якуний босқичи устида ишлаяпти.

Лойиҳа замонавий сўнай интеллект технологияларига асосланган. У орқали Ойда яшаш мумкин бўлган худудлар, уларнинг координатларини аниқлаш, инсон учун яшаш мумкин бўлган мос иқлим шартинини яратиш мақсад қилинган. Яъни Ойга қўнган қурилма, аввало, у ердиги радиация миқдорини аниқлайди. Сув ва тупроқ шартинини ўрганиб, сигнал юборади. Қурилманинг ўзини хос жиҳати унинг махсус қопламасидир. Одатий скафандрлар фазогирлар учун 2-3 ой тўлақонли хизмат қила олади. Бундай махсус кийимлар таннари жиҳада қиммат. “Green Lion”даги қоплама эса анча арзон. Шунингдек, уни 5 йилгача

ишлаши мумкин. Ёш тадқиқотчининг илмий изланишлариغا Европадаги бир нечта компания қизиқиб билдирмоқда. Бу ерда фақат фазони ўрганишгина эмас, балки тиббиёт, туризм, қишлоқ ҳўжалиги, саноат каби қатор



соҳалар бўйича ҳам истиқболли инновацион ишланмалар устида илмий изланишлар олиб бориляпти.

— Касблар фестивалида гибрид, яъни кўш ва шамолдан электр ҳосил қилувчи кичик станция лойиҳаси билан қатнашяптимиз, — дейди Учкўприк туманидаги 2-техникум ўқувчиси Давлатжон Муҳаммадсолиев. — Бу ишлангани кўчадаги чироклар ва светофорларга улаб, синиб кўрдик. Натига яхши. Келажакда аҳоли хонадонлари, кўп қаватли уйларга ҳам ўрнатамиз. Электр монтерлик

йўналишида ўқийман. Дарсдан сўнг аҳолига электромонтаж ишлари бўйича хизмат кўрсатамиз. Ҳар ойда 5-6 миллион сўм қимматча даромад топиб, касбий маҳоратимни ошириб борапман.

3 тонна асал олдик. Сердаромад хунарга қизил қувчилар кўп. Билганларимни тенгдошларим ҳам ўргатяпман. Техникумда асалари оналарини парвариллаш, касалликларига қарши курашиш, махсулот олиш, қайта ишлаш, зарур жиҳозлар ишлаб чиқариш билан боғлиқ барча шартин яратилгани соҳани пухта ўрганишимизда қўл келяпти. Фестивалда ишимизга қизил қувчилар юқори синф ўқувчиларига асаларчиликнинг ўзини хос жиҳатлари ҳақида тўшунча бердим, ўрганишга тақдир қилдим.

Ватанпарварлик, юртга садоқат руҳидаги қўшиқлар шуқуҳи билан кўргазма павильонларини айланамиз. Ёшлар кўзидида иштиёқ, билимга чанқоқлик, гайрат-шижоат мужассам эканини англаш қийин эмас.

— Фестивалга келганимдан жуда мамнунман, — дейди Фарғона туманидаги 54-мактаб ўқувчиси Турғуноий Элмуродова. — Бу ерда ясалган буюм ва маҳсулотларни кўриб, техникумда ўқиш, хунар ўрганиш истагим қатъийлашди. Биз, ёшлар учун катта имкониятлар берилаётганидан, ўз истеъдодимиз, салоҳиятимизни намойиш этишга яратилган шартинлардан мамнунимиз. Келажакда қайси касбни танламайлик, юртимиз ривожига ҳисса қўшимиз, халқимизга хизмат қилиш бош мақсадимиз бўлиб қолароқди.

Ўзбекистон — ёшлар мамлакати. Юртимизда ёшларнинг иқтидор ва салоҳиятини тўла юзага чиқариш учун барча шартин яратилган. Таълимга энг илғор технологияларни жорий этиб, рақамлаштириш, ахборот технологияларини ҳаётга таъбиқ қилишга жиддий эътибор қаратилляпти. Булар ўз ўрнида юрт ёшларини янги мақсад ва буюм сари даъват этмоқда.

— Техникумимизда АТ кластери фаолияти йўлга қўйилган, — дейди Кува туманидаги 1-техникум ўқувчиси Иброҳимжон Шухратов. — Ҳар йили 100 нафар ёш дастурлаш, робототехника, график дизайн ва хорижий тил бўйича

даврлар нафаси, аждодларнинг бетакрор овозларини бефарқлик тўнларига ташламоқдамиз.

Тилимиздаги эна, нана, бийи, ача, оя, бува, бўла, бувак, жезда, жижи, жорқин каби минглаб шева сўзларнинг яқин орада йўқолишига юз тутаётгани бор гап. Шевалар ҳам даврларни ўзини хос ришталар билан боғлаб турадиган тилга занжирлар эканини унутмайлик. Агар секин-аста шевалар бой берилса, уларнинг ўрнини тўлдирадиган сўзларни ҳеч қачон тополмаймиз.

Алифбодаги ўлда-жўлда ислохотлар, дарсликлардаги сифатсизликлар сўнгги йиллардаги талаффузимиз тўғри ёзиш қондаларимизга бузиб ташламоқда. Исм-шарифларда Наҳалов — Нахалов, Холтўраев — Халтўраев, Жумаев — Джумаев, Болтабоев — Балтабаев, Ғозиев эса Ғазиев бўлиб кетгани, Раззаков, Аксакалов, Туҳлиев, Эрданкулов, Куркмасов каби фамилияларнинг қандай пайдо бўлиб қолганига қизиқсангиз, барисизда ўзбек тилига беҳурматлик ва шафқатсизлик ҳосиласини кўрасиз.

Яна бир гап. Мафкура инсоннинг гўдаклигида тафаккурига нима экса, ўша билан бир умр яшаб қолади. Бола мактабни номи билан аталган адиб, олим, мутафаккирининг қимлигини билган, уни улуғлайди, у билан гуруруланади, унга ўхшагани келади. Мустақилликдан кейин мактабларимиз Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур, Мирзо Улуғбек, Фурқат, Мўқимий, Қори Ниёзий, Абдулла Қаҳҳор, Ҳамид Олимжон ва бошқа ўзбек адиблари, олимлари номи билан юртила бошланди. Ҳозир эса мактабларимиздан номлар олиб ташланиб, рақамлаб қўйилди. Бу қанчалик тўғри, билмадим?

Менимча, мактабларимизни ўз улуғларини номи билан атасак, бу, энг аввало, миллатимиз маънавиятига, фанимиз, адабиётимиз, тарихимизга, тилимизга ҳурмат бўлар эди. Ўқувчи биринчи синфдагидаёқ мактаб дарвозаси пештоқига бюкларимиз номини тилимизда ўқисин, фахрлансин ва уларга ўхшаши орзу қилсин. Ўзбек боласининг тили ўз улуғларимизнинг номи ва асарлари билан чарчлансин.

Атоқли шоир ва адибларимиз номидаги ижод мактабларида таҳсил олаётган истеъдодларнинг ўз мактаблари номи билан гуруруланишини улар билан суҳбатларда эшитиб, қувончга тўлаямиз.

Муҳаммад Ризо Оғахий, Исҳоқхон Иброт, Абдулла Қодирий, Ҳамид Олимжон ва Зулфия, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Ибройим Юсупов, Ҳалима Худойбердиева, Муҳаммад Юсуф номидаги ижод мактабларининг ўқувчилари эришаётган ютуқларда ҳам миллий адабиётимизга юксак ҳурмат ва садоқат мужассам.

Умумтаълим мактабларини ҳам ватан ва миллат манфаати йўлида умрини тиккан олимларимиз, миллатимиз фидойилари номи билан аташимиз ёшларда она тилимиз, адабиётимиз, тарихимиз, миллий қадриятларимизга меҳру муҳаббатни янада оширишга хизмат қилган бўлур эди.

Муҳтарам қилиб айтганда, она тилимиз софлигини биргаликда асраб қолишимиз шарт ва зарур!

Давлатимиз етакчисининг “Она тилимиз — миллий маънавиятимизнинг битмас-туганмас бўлуғидир. Шундай экан, унга муносиб ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш барчамизнинг нафақат вазифамиз, балки муқаддас инсоний бурчимиздир.”

Давлат тилига бўлган доимий эътибор ва гамқўрлик мамлакатимизда бундан буён ҳам изчил давом этирилади”, деган сўзлари ҳар биримизга катта масъулият қўлайди.

Ўзбек тили асрлардан асрларга ўтиб келаётган маънавий хазинадир. Бу хазинани асраш ҳамда авлодларга соғлиғича етказиш учун ҳар биримиз масъулмиз. То ҳаёт эканмиз, бу масъулиятни шараф деб билмоғимиз шарт.

Ўқитилмоқда. Устозларимиз билан бирга турли лойиҳалар устида ишлаяптимиз. Мисол учун, ҳозир “Амазон” компанияси билан бирга логистика йўналишида фаолият юртияпти. АКШда юк ташини билан шуғулланаётган юртодошларимизга шу компаниядан буюртма олиб берамиз. Уларга борар манзилни кўрсатиб тураримиз ёки юк тафсилотлари, ташини ва етказиш вақти каби маълумотларни тақдим қиламиз.

Айни пайтда Фарғона вилоятидаги 63 та касбий таълим ташкилотидида 59 мингга яқин ёш 161 касб ва мутахассислик бўйича таълим олмақда. Бу рақамлар касблар турли, ўқувчилар сони, дуал таълим жиҳосига йилдан йилга ортин бормоқда.

— Президентимизнинг “Касбий таълим тизимидида ислохотларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бу борадаги ишлар сифати ва самарадорлигини янги босқичга олиб чиқиш имкониятини бермоқда, — дейди Фарғона вилояти касбий таълим бошқармаси бошлиғи Тўйчибой Бойматов. — Мазкур қарор касбий таълимни замон талаблари, халқаро стандартлар ва меҳнат бозори эҳтиёжларига уйғунлаштиришга қаратилган. Дуал таълим асосида ўқитиш устувор вазифаларимиздан. Ҳозир ёшларни 38 касб бўйича тайёрлаш учун 53 та техникум 2184 та корхона билан ҳамкорлик қилмоқда. Жараёнга 11 минг 167 ўқувчи қамраб олинган. Шунингдек, 6 та техникумда 536 ўқувчи “Pearson” (Буюк Британия), “Askania Bildung” (Германия), “Globogate Concept AG” (Швейцария), “Avestos” (Германия) компаниялари билан ҳамкорликда халқаро дастурлар асосида ўқитилмоқда. Виллоятимизда илк бор ўтказилаётган “Касб ва меҳнат кунин” тадбири таълим соҳасидаги ислохотлар, эришилган ютуқлар, олдимизда турган вазифаларни кенг жамоатчиликка намойиш этиш имконини бермоқда.

Фестивалда Фарғона вилояти ҳокими ҳам иштирок этиб, техникум ўқувчилари билан суҳбатлашди. Улар тақдим этилган стартап лойиҳалар, ташаббуслар, техникумларда йўлга қўйилган ишлаб чиқариш ва инновацион йўналишлар билан танишди.

Расулжон КАМОЛОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири



# ЎЗБЕКИСТОН МАҒРУР ҲАМ ҲАМ ҲАМ ФУТБОЛ!

Худо бор халқимизнинг диёнатига, Полвонлар майдонда курашар халол. Қўкрак кериб жаҳон чемпионатида, Ўзбекистон мағрур ўйнайди футбол!

Мардлик тарбияда, ботирлик қонда, Юлдузли онларга жуда кўп мисол. Бир Ваган, битта халқ бўлиб майдонда, Ўзбекистон мағрур ўйнайди футбол!

Учар бургутлар бор қутлуг маконда, Тоғлар ҳайбатига осмон қолар лол. Эларни ҳайратга солиб жаҳонда, Ўзбекистон мағрур ўйнайди футбол!

Дарвозабон — қулф, ҳимоя — қалқон, Алпомишлар зоти топмайди завол. Наъра тортиб, ҳамла қилар шер, қоплон, Ўзбекистон мағрур ўйнайди футбол!

Рақиб жамоалар қолади шошиб, Ҳужумчилар ураб дарвозага гол. Кетма-кет ютуғи финалга ошиб, Ўзбекистон мағрур ўйнайди футбол!

Мухлислик қилар халқ бир жону бир тан, Ғалаба нақд бўлар, қолмайди савол. Ғолиб ўғлонларин шарафлар Ватан, Ўзбекистон мағрур ўйнайди футбол!

Битта стадионда бирлашар дунё, Мухлислар ҳайқирар: "Гол ур, яна гол!" Осмондан юлдузлар сочади зиё, Ўзбекистон мағрур ўйнайди футбол!

Президент Сиз билан қилар ифтихор, Қўллаб-қувватлайди шавқатли диёр, Ватан, халқ ягона юртга омад ёр, Ўзбекистон мағрур ўйнайди футбол!

Давлат байроғимиз чиқар фалакка, Маҳдия янграр, юрт йиғлар — ажиб ҳол. Олтин медаль лойиқ олтин юракка, Ўзбекистон мағрур ўйнайди футбол!

Рустам МУСУРМОН,  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, Қорақалпоғистон халқ шоири



Футбол спорт тури сифатида пайдо бўлибдики, унга қизиқиш, ишқибозлик ҳамisha ортиб борган. Ҳар тўрт йилда бўлиб ўтадиган футбол бўйича жаҳон чемпионатида ҳар бир давлат алоҳида тайёргарлик кўради. Нафақат футболчилар, балки "12-футболчи" бўлиши муҳлислик маданияти ҳам мамлакат, ҳам миллият имижига ижобий таъсир кўрсатади.

Агар беллашувда қатнашаётганлар маҳалладош болалар ёки синфдошлар бўлса, айни ҳолат орийат билан боғлиқ кетади. Уларга муҳлислик қилиш бутунлай бошқача таассурот уйғотади. Агар ўз миллий терма жамоангизни қўллаб-қувватлаб турган бўлсангиз, бу энди бутунлай бошқа ҳолат. Ушбу муҳлислик ортида юрагингиздаги Ватанга садоқат, халқпарварлик ва миллатпарварлик туйғуларини бўй кўрсатиб туради.

Шу боис, муҳлислик энг кўп бўлгани учун "миллионлар ўйини" номи билан футболда муҳлислик "12-футболчи" дея таърифланади.

Мана, 2026 йилги футбол бўйича жаҳон чемпионатида ҳам санокли кунлар қолди. Соат миллири ўзбек футболсевар муҳлисларининг юрак уриши ритмига мос тарзда урмоқда. Кўпчилик, хусусан, халқимиз аллақачон кун санай бошлаган. Чунки бу йилги чемпионат ўзбекистонликлар учун ўзгача аҳамиятга эга. Терма жамоамиз ўз тарихида илк бор жаҳон чемпионати йўлланмасини қўлга киритди. Халқимизнинг узоқ йиллик орузи рўёбга чиқди.

Бунда саралаш босқичидаги кескин вазиятларда, ҳар бир турдаги ўйинларда майдондаги спортчилардан ҳам кўпроқ ҳис-ҳаяжонга берилиб, гоҳ стадионда, гоҳ экран қаршида "Олга, Ўзбекистон!", дея муҳлислик қилиб турган юртдошларимизнинг ҳам ўзига хос ҳиссаси бор.

Мана бугун халқимизнинг хоҳиш-истакларини ўзда акс эттирган янги Ўзбекистон бунёдкорлиги ва Президентимизнинг соҳага эътибори самараси ўлароқ, терма жамоамиз ўйинларининг сифат даражаси кўтарилди.

Терма жамоамиз нафақат жаҳон чемпионатида чиқди, балки ундаги баҳсларда ғалаба қозониб, муносиб иштирок этишга ҳам ишончимиз комил бўлди. Бугун футболчиларимиз дунёнинг энг нуфузли чемпионатлари ва жамоаларида тўп сурмоқда. Халқимизнинг холис нияти ўз рўёбини топмоқда.

## 34 йиллик орзу

Кунни кеча Ўзбекистон миллий терма жамоаси ҳақида суратта олинган, "34 йиллик орзу" деб номланган ҳужжатли фильмини томоша қилдим. Ушбу 8 қисмли ҳужжатли сериал Ўзбекистон миллий терма жамоасининг 1998 йилги жаҳон чемпионати саралаш босқичидан то 2026 йилги мундиал саралашига қадар босиб ўтган драматик йўли ҳақида хикоя қилади. Сериал йилнома, интервьюлар ҳамда футболчилар, мураббийлар ва муҳлисларнинг таассуротлари орқали халқимизнинг ҳар гал жаҳон чемпионатида чиқиш орузига ишончини кўрсатиб беради. Бу шунчаки футбол тарихи эмас, тарих кўзгуси ҳамдир. Муваффақиятсизликлар ва умидлар, ғалабалар ва мағлубиятлар, даврлар ва авлодлар алмашуви... Воқеалар марказида нафақат жамоа, балки ҳар гал "Бу сафар, албатта, урдамаймиз!" дея ишонадиган юртдошларимиз турибди.

Ҳа, ростдан ҳам юртдошларимиз ҳар мавсум "Бу сафар, албатта, урдамаймиз" деган ишонч билан яшади. Мактаб, университет, дўстлар давраси — ҳар қандай жойда тўртта ўзбекининг гапи бир жойдан чиқадиган, аммо ҳаммани умда хомуш қиладиган мазму футбол эди. Ҳамма бир овоздан: "Насиб қилса, келгуси сафар", дер эди. Ҳужжатли фильм жуда ажойиб олинган. Айниқса, муҳлисларнинг интервьюси томошабинни тўқилантиради. Уларнинг сўзларини тинглаб, кўп воқеалар кўз олдимдан ўтибди. Юртдошларимизнинг терма жамоа ўйинини кўриш учун ишдан баҳона қилиб чиққани, стадионга юзини бўяб бургани, ўйиннинг айни қизиқ жойида чироқ ўчиб қолгани ҳақидаги ҳаётий хикоялари тоғамни, акамни, бобомни ёдимга солди.

Жорий йилги жаҳон чемпионати ўзбекистонлик футбол муҳлислари учун тўйдек гап. Шодиёна бўлганда ҳам оддий эмас, нақ 34 йил кутилган ҳодиса. Шундай экан, аввало,

барчамиз бу лаҳзалар шавқидан баҳраманд бўлишимиз керак.

Ҳар тўрт йилда бўлиб ўтадиган футбол бўйича жаҳон чемпионатида ҳар бир давлат алоҳида тайёргарлик кўради. Нафақат футболчилар, балки "12-футболчи" бўлиши муҳлислик маданияти ҳам мамлакат, ҳам миллият имижига ижобий таъсир кўрсатади.

Айниқса, футбол бўйича жаҳон чемпионатида биринчи бор чиқаётган терма жамоалар ва давлатлар ўзларини алоҳида бир хусусиятлари билан намойиш этишга уринади. Сабаби дунё бўйлаб миллионлаб инсонлар томоша қиладиган бу турнир мамлакатларнинг имижини кўтариш ва дунёга ўз номини танитиш учун қулай имконият ҳамдир. Ўзбекистон терма жамоаси бу йил "катта тўй" деб таърифланганимиз ушбу халқаро тадбирга ўзига хос тўёна билан бориши керак.

Жамоамиз аъзолари бунга жиддий тайёргарлик кўрмоқда. Масалан, терма жамоамиз етакчиси Элдор Шомуродов мундиалга Туркия чемпионатининг тўпурари сифатида

## Мухлислик маданияти миллат маърифатини кўрсатади

Эсимда, 2022 йилда Марокаш муҳлислари Қатардаги чемпионат беазага айланганди. Айнан ушбу терма жамоанинг гуруҳ босқичидан чиқишида муҳлисларнинг қўллаб-

қувватлови муҳим роль ўйнаган. Ҳар тўрт йилда бўлиб ўтадиган футбол бўйича жаҳон чемпионатида ҳар бир давлат алоҳида тайёргарлик кўради. Нафақат футболчилар, балки "12-футболчи" бўлиши муҳлислик маданияти ҳам мамлакат, ҳам миллият имижига ижобий таъсир кўрсатади.

Айниқса, футбол бўйича жаҳон чемпионатида биринчи бор чиқаётган терма жамоалар ва давлатлар ўзларини алоҳида бир хусусиятлари билан намойиш этишга уринади. Сабаби дунё бўйлаб миллионлаб инсонлар томоша қиладиган бу турнир мамлакатларнинг имижини кўтариш ва дунёга ўз номини танитиш учун қулай имконият ҳамдир. Ўзбекистон терма жамоаси бу йил "катта тўй" деб таърифланганимиз ушбу халқаро тадбирга ўзига хос тўёна билан бориши керак.

# ТЕРМА ЖАМОАГА МУХЛИСЛИК – ЮРТГА МУҲАББАТ ИФОДАСИ

қувватлови муҳим роль ўйнаган. Ҳар тўрт йилда бўлиб ўтадиган футбол бўйича жаҳон чемпионатида ҳар бир давлат алоҳида тайёргарлик кўради. Нафақат футболчилар, балки "12-футболчи" бўлиши муҳлислик маданияти ҳам мамлакат, ҳам миллият имижига ижобий таъсир кўрсатади.

Айниқса, футбол бўйича жаҳон чемпионатида биринчи бор чиқаётган терма жамоалар ва давлатлар ўзларини алоҳида бир хусусиятлари билан намойиш этишга уринади. Сабаби дунё бўйлаб миллионлаб инсонлар томоша қиладиган бу турнир мамлакатларнинг имижини кўтариш ва дунёга ўз номини танитиш учун қулай имконият ҳамдир. Ўзбекистон терма жамоаси бу йил "катта тўй" деб таърифланганимиз ушбу халқаро тадбирга ўзига хос тўёна билан бориши керак.



тўғрисида ижобий таассурот пайдо бўлишига аҳамият берилган. Футбол муҳлислари тазйири билан айтганда, терма жамоамиз аъзолари чемпионатга "юқори форма"да йўл олмоқда.

бормоқда. Ҳамюртимиз яқунланган мавсумда 22 та гол ва 5 та ассист қайд этиб, лига-турнирда 2025/2026 йилги мавсум тўпурарига айланган.

Дунёнинг топ клубларидан бири "Манчестер Сити"да тўп сурадиган ҳамюртимиз эса жамоаси билан бу мавсум Англия лига кубогини ҳамда Англия кубогини ҳам қўлга киритди. Футбол муҳлислари тазйири билан айтганда, терма жамоамиз аъзолари чемпионатга "юқори форма"да йўл олмоқда.

қувватлови муҳим роль ўйнаган. Ҳар тўрт йилда бўлиб ўтадиган футбол бўйича жаҳон чемпионатида ҳар бир давлат алоҳида тайёргарлик кўради. Нафақат футболчилар, балки "12-футболчи" бўлиши муҳлислик маданияти ҳам мамлакат, ҳам миллият имижига ижобий таъсир кўрсатади.

Айниқса, футбол бўйича жаҳон чемпионатида биринчи бор чиқаётган терма жамоалар ва давлатлар ўзларини алоҳида бир хусусиятлари билан намойиш этишга уринади. Сабаби дунё бўйлаб миллионлаб инсонлар томоша қиладиган бу турнир мамлакатларнинг имижини кўтариш ва дунёга ўз номини танитиш учун қулай имконият ҳамдир. Ўзбекистон терма жамоаси бу йил "катта тўй" деб таърифланганимиз ушбу халқаро тадбирга ўзига хос тўёна билан бориши керак.

## Қалблардан чиққани қалбларга етиб боради

Инсон энг ҳаяжонли ва ҳиссиётларга тўла лаҳзаларида, албатта, шеър ўқийди, қўшиқ куйлайди ёки мусиқа чалади. Футбол бўйича жаҳон чемпионатида ҳар бир давлат алоҳида тайёргарлик кўради. Нафақат футболчилар, балки "12-футболчи" бўлиши муҳлислик маданияти ҳам мамлакат, ҳам миллият имижига ижобий таъсир кўрсатади.

Айниқса, футбол бўйича жаҳон чемпионатида биринчи бор чиқаётган терма жамоалар ва давлатлар ўзларини алоҳида бир хусусиятлари билан намойиш этишга уринади. Сабаби дунё бўйлаб миллионлаб инсонлар томоша қиладиган бу турнир мамлакатларнинг имижини кўтариш ва дунёга ўз номини танитиш учун қулай имконият ҳамдир. Ўзбекистон терма жамоаси бу йил "катта тўй" деб таърифланганимиз ушбу халқаро тадбирга ўзига хос тўёна билан бориши керак.

Жорий йилги жаҳон чемпионати ўзбекистонлик футбол муҳлислари учун тўйдек гап. Шодиёна бўлганда ҳам оддий эмас, нақ 34 йил кутилган ҳодиса. Шундай экан, аввало,

турнирда яна бир қўшиқ кўпчиликланинг қўлоғи остида жаранглаб қолди. Бу Перу муҳлислари куйлаган "Contigo Perú" ("Сен билан, Перу") таронаси эди. Перу жамоаси турнир эрта яқунланган бўлса-да, чемпионат сўнгига қадар перулик муҳлислар бу таронани куйлашдан тўхтамади. Натжидада у мазкур чемпионатнинг энг машҳур қўшиғига айланган.

Биринчи бор жаҳон чемпионатида қатнашаётган, голиб бўлиш эҳтимоли жуда кам ва атиги 360 мингдан ортқ аҳолига эга давлат муҳлисларининг жаҳон чемпионатида бутун дунё эътиборини ўзига қарата олгани қўтқарилган ҳодиса бўлди. Чунки чемпионатга келганлар сомон бутун бошли давлат аҳолиси билан ҳам кўп эди. Аввало, футболчиларнинг маҳоратли ўйини ҳамда муҳлисларнинг ўз спортчиларини ўзига хос тарзда қўллаб-қувватлаши дунё эътиборини ушбу терма жамоага қаратишга мажбур қилди. Исландия муҳлислари "Viking clap" (викинглар қарсағи) ва "Hú!" ҳайқирғини ўйлаб топди. Яъни ритмик қарсақлар

ва ваҳимали "Hú!" қичқирғи орқали дунё ОАВ ҳамда миллионлаб инсонларнинг эътиборини жалб қила олди. Ҳатто бутун онлайн футбол ўйинларида Исландия терма жамоасини таянб ўйнасангиз, виртуал футболчилар ҳамда муҳлислар ҳам айнан шу ҳаракатларини намойиш этади.

Бошқа йиллардаги жаҳон чемпионатларидан ҳам мана шундай мисолларни келтириш мумкин. Масалан, 2010 йилги жаҳон чемпионати эсга олинса, дарҳол кулгингизда Жанубий Африканинг ўзига хос чолгуси — вувуэла садоси янграйди. Еки бўлмаса, 2022 йилги футбол бўйича жаҳон чемпионатидаги "Dima Maghrib" ("Дом Марокаш") шiori ва Аргентинанинг "Muchachos" қўшиғи ёгда тушади. Аслида, барча терма жамоалар муҳлисларининг бу каби шiorлари, қўшиқлари ва куйлари мавжуд. Аммо юқорида санаб ўтилганлари халқ ва миллат тарихига, қадриятлари илдизига чуқурроқ улангани ҳамда ўзига хос ижодкорлик маҳсули экани билан ажралиб туради. Бу эса миллат вакиллари қалбидан чиққан нидонинг бошқа инсонлар қалбига ҳам чуқур кириб боришига асос бўлиб хизмат қилади.

Юртдошларимиз — ўзбек футбол муҳлислари ҳам бу йилги чемпионатда ўзининг юксак муҳлислик маданиятини намойиш этишига, санъат асари даражасидаги куй-қўшиқ ва шiorлар билан бутун дунё эътиборини ўзларига қаратишга умид қиламиз.

Бунда, албатта, ўзбек ижодкорларининг ўрни бекиёс. Биринчи навбатда, бадиий сўз санъати усталари ҳамда соҳиб овоз соҳиб бўлган санъаткорларимиз Ўзбекистон терма жамоасига бағишланган шеър-қўшиқлари билан юртдошларимизга жўровоз бўлади.

Санокли кунлардан сўнг ўзбек футбол муҳлисларининг кўп йиллик орузи бўлган жаҳон чемпионати сари йўл олинади. Бир сўз билан айтганда, спорт соҳасидаги янгилинишлар самараси ўлароқ, ўзбек футбол ҳақиқий олтин даврига қадам қўяди.

Албатта, ўйинлардан тайёрланган видеолавҳалар, тасвирлар ва футболчиларнинг интервьюлари бу кунларнинг унутулиб кетишига йўл қўймайди. Аммо муҳлисларнинг завқ-шавқи ва қувончи, шунингдек, айни кунлар ҳақида яратилган бадиий асарлар ва куй-қўшиқларгина мазкур лаҳзалардаги ҳиссиётларни келажак авлодлар қалбига бутунлигича кўчира олади. Қолаверса, бу туйғулр бошқа миллат вакиллари қалбига ҳам акс этиши шубҳасиз.

Санжар ЭШМУРОДОВ,  
"Янги Ўзбекистон" муҳбири

"Янги Ўзбекистон" ва "Правда Востока" газеталари таҳририяти) ДМ  
Бош муҳаррир:  
МУАССИС:  
Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси  
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёмалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.  
Газетанинг етказиб берилиши учун обуюни расмийлаштирган тақшилот жавобгар.  
Газета таҳририят компютер марказида саҳифаланди.  
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "ШАРҚ" НМАК масъул.  
Босмаҳона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.  
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-546.  
30761 нусхада босилди.  
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.  
Баҳоси келишилган нарҳда.

Навбатчи муҳаррир: Лутфулла Сувонов  
Мусахҳис: Насиба Абдуллаева  
Дизайнер: Хуриш Абдуллаев  
Манзилимиз:  
100060, Тошкент шаҳри,  
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй  
ЎЗА яқуни — 00:47 Топшириди — 00:50